2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 143 (1204), 2024 йил 18 июль, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИКДАГИ ИҚТИСОДИЙ НАТИЖАЛАР ВА ЙИЛ ЯКУНИГАЧА МЎЛЖАЛЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 17 июль куни ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили ҳамда йил якунига қадар устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**





Аввало, бажарилган ишлар қисқача айтиб ўтилди. Жорий йилнинг олти ойида ялпи ички маҳсулот 6,4 фоизга кўпайган. Саноат 7,8 фоизга, қурилиш 10,1 фоизга, хизматлар 12,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги 3,8 фоизга ўсган. Бюджет даромадлари ҳам 113 триллион сўмга етиб, 14 фоиз ошган.

Умуман, йил бошидан буён республикада яратилган қўшилган қиймат 567,4 триллион сўмга, яъни 45,1 миллиард долларга етган. Бундай рақамлар илгари бўлмаган.

Ўтган даврда жами капитал қўйилмалар 229 триллион сўмни ташкил қилган. Шундан 15,5 миллиард доллари хорижий инвестициядир. Андижон, Булоқбоши, Қоракўл, Кармана, Давлатобод туманлари, Наманган ва Самарқанд шаҳарлари инвестицияси 100 миллион доллардан, Шароф Рашидов, Фориш, Янги Наманган, Оҳангарон туманларида эса 70 миллион доллардан ошган.

Йил бошидан 3,5 миллиард долларлик 3 мингта лойиҳа ишга тушиб, 76 мингта юқори даромадли доимий иш ўрни яратилган. Тадбиркорлик учун 82 триллион сўм кредит ва 15,5 триллион сўм субсидия берилиб, 600 минг аҳоли бизнесга жалб қилинган. Енгиллик ва имтиёзлар туфайли тадбиркорларда 56,3 триллион сўм маблағ қолган.

"Яшил" энергетика соҳасидаги ишлар ҳам натижа бера бошлади. Ҳозиргача ишга тушган 2,4 гигаваттли 10 та қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобига ярим йилликда 1,6 миллиард киловатт "яшил" энергия олинди. Бу ярим миллиард куб метр газни тежаш имконини берди.

Шу йилнинг ўзида маҳаллаларни обод қилиш, боғча, мактаб, тиббиёт, йўл, сув, электр каби инфратузилмани яхшилаш учун бюджетдан 31,5 триллион сўм ажратилган. Бунга қўшимча яна 1,5 триллион сўм берилади.

Ўтган олти ойда 18 минг 600 та янги хонадон қуриб, топширилган. 26 мингта оилага 7 триллион сўмга яқин ипотека кредити ажратилган. Улар бўйича бошланғич тўлов ва фоизни қоплаш учун 545 миллиард сўм субсидия берилган.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда кўпроқ муаммолар бўйича гапириб, аниқ режа ва вазифаларни белгилаш зарурлигини таъкидлади.

— Дунёдаги оғир шароитга қарамасдан, барқарор иқтисодий ўсиш йўлида аниқ натижаларга эришяпмиз. Буни Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, ҳамкор давлатлар раҳбарлари, рейтинг ташкилотлари, йирик инвесторлар ҳам эътироф этяпти. Лекин бугун камчиликларни кўрсатиб, захираларни ишга солиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олсак, фойдали бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Биринчи бўлиб иқтисодиёт, молия, солиқ, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари муҳокама қилинди.

Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Ғиждувон тажрибалари натижасида олти ойда 4 мингдан ортиқ маҳалла саноат ва қишлоқ хўжалигига ихтисослашган, 1 миллион 600 минг аҳоли расмий банд бўлган, 712 мингта янги даромад солиғи тўловчи пайдо бўлган.

Йиғилишда буларга янги туртки бериш мақсадида қўшимча чоралар белгиланди. Хусусан, энди туман ҳокими, банк раҳбари ва маҳалла раиси бир бўлиб ишлаш бўйича уч томонлама шартнома тузади. Жорий йил 1 декабргача "Сайхунобод тажрибаси" асосида хонадонлар учун молиявий пакет қилиб берилади. Бу орқали 495 минг аҳолининг бандлиги таъминланади. Иккинчи ярим йилликда "Оилавий тадбиркорлик" дастури қамрови 1,5 баробар оширилиб, 4 триллион сўм ажратилади.

"Уйчи тажрибаси"га асосан, туман ҳокими ва банк раҳбарлари тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг бизнесини кенгайтиришга кўмаклашади. Бунда ҳоким ер, электр, сув, йўл ва бошқа инфратузилма масаласини, банк эса маблағни ҳал қилади. Бу орқали йил якунигача 670 минг аҳоли бандлигини таъминлаш мумкинлиги айтилди.

"Ғиждувон тажрибаси" асосида йил якунига қадар мингта маҳалланинг ўзида кўп қаватли саноат бинолари ташкил қилинади. Уларга хонадонлардаги ишлаб чиқаришлар кўчирилади. Ушбу биноларнинг юқори қаватларида ишлайдиган тадбиркорларга солиқ имтиёзлари берилади. Бу 140 минг иш ўрнини "соядан" чиқаришга шароит яратади.

"Зарбдор тажрибаси" асосида туманларда саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасида драйвер лойиҳалар қилинади. Уларни амалга оширишга бу йил қўшимча 500 миллиард сўм ажратилади. Бу орқали яна 150 минг иш ўрни бўлади.

Бош вазирга мазкур тўртта тажрибани қўллаган ҳолда, йил якунигача 2 миллион 416 минг аҳоли бандлигини таъминлаш режасини туманлар кесимида тасдиқлаш топширилди.

Бюджетга тушумларни таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Корхоналар ва тадбиркорларга кўмак бериб, даромадини ошириш орқали солиқ тушумини кўпайтириш муҳимлиги таъкидланди. Тадбиркорга ортиқча тўлов қилдирган масъуллар жазоланиши ҳақида қатъий огоҳлантирилди.

Хусусийлаштириш дастурининг бажарилиши, йирик корхоналарда таннархни пасайтириш ишлари сустлиги кўрсатиб ўтилди.

Энди тадбиркорларга имтиёз ва субсидиялар мақсадли кўрсаткичи билан бир йилга берилиши, натижасига қараб муддати узайтирилиши ёки бекор қилиниши айтилди.

Бу йил ҳудудий корхоналарда 164 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Лекин Когон шаҳри, Қоровулбозор, Зафаробод ва Мирзаобод туманларида саноат пасайган. Мутасаддиларга йил якунигача кам қувватда ишлаётган 2 мингта корхонани ривожлантириш вазифаси қўйилди.

Фаолиятида тизимли камчиликларга йўл қўйган 28 та туман ва шаҳар ҳокимига нисбатан интизомий жазо қўлланди. Қораўзак, Тахиатош, Учқудуқ, Тошкент, Фурқат, Гурлан, Мирзаобод, Янгиариқ, Мингбулоқ туманлари, Ғозғон шаҳри ҳокимлари лавозимидан озод қилинди.

Йиғилиш кун тартибидаги навбатдаги масалалар транспорт, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳалари бўйича бўлди.

Аввало, қурилишда таннархни пасайтириш масаласи таҳлил қилинди. Ер ва қурилиш материалларидан ташқари лойиҳани келишиш, махсус техник шартлар олишдаги қийинчиликлар кўрсатиб ўтилди. Энг катта "хуфиёна иқтисодиёт" ҳам қурилишда.

Шу боис, Қурилиш вазирлигига соҳада тадбиркорлик учун тўсиқ бўлаётган барча тартиб-таомилларни янгилаш вазифаси қўйилди.

Сифат ва тартибни кучайтириш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ҳукумат таркибига ўтказилиб, ваколатлари кенгайтирилади. Рухсатсиз ёки лойиҳадан четга чиқиб қилинаётган қурилишлар бўйича жазо чоралари кучайтирилади.

Янги лойиҳаларда тадбиркорлар учун электр ва газдан техник шартлар олиш рақамлаштирилади. Бунда тармоққа уланиш нуқтасини инсон омилисиз автоматлашган тарзда танлаш тизими жорий қилинади.

Бу йилги Инвестиция дастурида 1 минг 896 та лойиҳага 20,5 триллион сўм ажратилган. Жумладан, 618 та мактаб, 176 та болалар боғчаси, 80 та поликлиника ва 67 та шифохона қурилиб, жиҳозланиши белгиланган.

2 минг 152 та кўп қаватли уй-жой барпо қилиб, 100 мингдан зиёд хонадонни фойдаланишга топшириш режа қилинган. 570 минг гектарда сув таъминотини яхшилаш, 13 минг километр йўл ва 195 та кўприкни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Жамоат транспортида электрон тўлов тизимини тўлиқ жорий қилиш, барча вилоят марказларида йўловчи ташишни брутто-шартнома асосида молиялаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари бу йўналишларга бирма-бир тўхталиб, кечикаётган лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берди. Бу ишларнинг ижтимоий аҳамиятини, уларни одамлар ўз ҳаётида сезиши кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда инвестиция, экспорт ва қишлоқ хўжалигидаги масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Ўтган олти ойда иқтисодиётга 15,5 миллиард доллар хорижий, шундан 14 миллиард доллар тўғридан-тўғри инвестиция киритилган. Президентимиз уларнинг натижадорлиги таҳлилига эътибор қаратди.

Уч йилда киритилган ҳар бир доллар инвестиция ўртача уч доллар қиймат яратган. Ёки ҳар 1 минг доллар хорижий инвестиция солиқ тушумини ўртача 600 долларга оширган. Лекин айрим тармоқлар ва ҳудудларда бу кўрсаткич кам.

Мутасаддиларга келгуси йилга режа қилинган лойиҳаларни шу нуқтаи назардан бирма-бир таҳлил қилиш топширилди.

Аввалги йилларда четдан келтирилган 183 миллион долларлик 593 та ускунани тезроқ ўрнатиб, ишга тушириш зарурлиги айтилди. Тўлиқ ишламаётган инвестиция лойиҳаларини "жонлантириш", муаммоларини ҳал этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Жорий йилда саноат зоналари инфратузилмаси учун 1,5 триллион сўм ажратилган. Шунингдек, Тараққиёт ва тикланиш жамғармасидан берилган 650 миллион доллар арзон ресурс, банкларда хориждан жалб қилинган 1 миллиард доллар маблағ бор. Ушбу маблағлардан самарали фойдаланиб, лойиҳаларни жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Олти ойда маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариш 34 фоизга ўсган. Шу ўринда йирик инвестиция лойиҳаларида маҳаллий маҳсулотлар улушини кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Шу боис, вилоят ҳокимлари ва тармоқ раҳбарларига ҳудудлардаги 50 миллиард долларлик 200 та йирик лойиҳани таҳлил қилиб, товар ва хизматларни маҳаллийлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди. Ҳудудий корхоналарнинг кооперация порталидаги иштирокини жонлантириш муҳимлиги айтилди.

Экспорт масалалари таҳлил қилинар экан, тармоқ ва ҳудудлар йил бошидан 8,7 миллиард долларлик маҳсулотини четга сотгани қайд этилди. Лекин 9 та туманда экспорт ўтган йилги кўрсаткичнинг ярмига ҳам етмаган.

Кейинги пайтларда кўплаб давлатлар ички бозорини ҳимоя қилиш учун тариф ва нотариф тўсиқларни белгиламоқда. Тегишли вазирлик ва идораларга ушбу тўсиқларни юмшатиш бўйича келишувга эришиш топширилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти 910 миллион долларни ташкил қилди. Бу соҳада биринчи галда қайта ишланган мева-сабзавот экспортини кескин кўпайтириш кераклиги таъкидланди.

Ҳозирда сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш қувватларини ошириш бўйича 382 та лойиҳа бошланган. Йил якунигача 10 та агрологистика маркази, 230 минг тонналик совиткичли омборхона қуриш режалаштирилган. Булар орқали мева-сабзавотни сақлаш сиғими 63 фоизга етказилади.

Давлатимиз раҳбари бу соҳада экспортни кўпайтириш учун янги уруғ навларини ўзимизда яратиш кераклигини таъкидлади. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига Хитой ва Туркия тажрибаси асосида уруғчилик тизимини қайта кўриб чиқиб, экинлар ген банкини кенгайтириш бўйича топшириқ берилди.

75 минг гектар самарасиз боғлар ҳамда 100 минг гектар паст ҳосилли ерлар ўрнида саноатлашган боғ ва токзорлар барпо қилиш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқилади. Бундай боғлар учун Қишлоқ хўжалиги жамғармаси орқали имтиёзли кредит ажратилади.

Йиғилишда пахта-тўқимачилик кластерларининг молиявий барқарорлиги билан боғлиқ масалалар ҳам кўрилди. Уларга берилган имтиёзли кредит муддати 2025 йил 1 апрелгача узайтирилиши, бу йил пахта хариди учун имтиёзли кредит кластерларнинг ип-йигирув корхоналарига берилиши белгиланди. Иқтисодий самарасиз, молиявий мажбурияти юқори кластерларнинг мақоми қайта кўриб чиқиладиган бўлди.

Унумдорликни ошириш учун пахтачилик ва мева-сабзавотчиликда механизация даражасини 50 фоизга етказиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун йил охиригача фермер ва деҳқонлар яна 6,5 мингта техника билан таъминланади.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, вазирлар ва ҳокимлар ҳисобот берди. Иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича йил якунигача мўлжалланган режалар баён этилди.

**ЎзА**

## ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров 18-19 июль кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.**

Ташриф дастурига мувофиқ, олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтади, уларда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинади.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, бизнес ва ҳудудлар даражасида кооперация алоқаларини кучайтириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш, транспорт-транзит соҳасидаги имкониятлардан фойдаланиш, маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашадилар, кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қиладилар.

Бир қатор қўшма лойиҳаларни ишга тушириш ва икки томонлама ҳужжатлар тўпламини имзолаш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, айни кунларда Ўзбекистонда бизнес-форуми, ректорлар форуми, Қирғизистон маданияти кунлари ва бошқа қўшма тадбирлар ўтказилмоқда.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЭРОН ЕТАКЧИЛАРИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ИНТИЛИШЛАРИ ҚАТЪИЙ ЭКАНИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 июль куни Эрон Ислом Республикасининг янги сайланган Президенти Масъуд Пезешкиён билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Масъуд Пезешкиённи бўлиб ўтган Президент сайловидаги ғалабаси билан самимий қутлаб, масъулиятли давлат лавозимида катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон — Эрон муносабатларини янада ривожлантириш, савдо, инвестиция ва транспорт соҳаларидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш ва юк ташиш ҳажми, қўшма лойиҳа ва корхоналар, авиақатновлар сони ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Аввал эришилган олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Энергетика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АМЕРИКА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Олий таълим соҳасига етакчи хорижий таълим муассасаларининг илғор тажрибасини жорий этиш ишларини янада кенгайтириш, улар билан ҳамкорликни ривожлантириш, таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш, шунингдек, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги, Аризона давлат университети (АҚШ) ҳамда "Cintana Education" компанияси (АҚШ) ўртасида 2023 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида Америка технологиялар университетини ташкил этиш тўғрисида аҳдлашув меморандуми имзоланганлиги;

Давоми 2-бетда

2024 йил 18 июль, 143-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АМЕРИКА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Тошкент шаҳридаги Америка технологиялар университетининг таълим жараёнини ташкил этишда Америка Қўшма Штатлари томонидан “Cintana Education” компанияси ҳамкор этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда “Cintana Education” компаниясининг (АҚШ) Тошкент шаҳрида **Америка технологиялар университетини** (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Қуйидагилар Университетнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

**муҳандислик, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, архитектура ва дизайн, иқтисодиёт ва молия, халқаро муносабатлар** соҳалари учун олий маълумотли кадрларни халқаро стандартлар даражасида тайёрлаш;

ўқув-тарбия жараёнини илғор педагогик ва замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда жаҳоннинг етакчи университетларида жорий этилган таълим технологиялари ва усуллари асосида ташкил этиш;

талабаларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш, билимини амалий тажрибалар орқали мустаҳкамлашга, ўқув материалларини самарали ва пухта ўзлаштиришга хизмат қиладиган ҳар томонлама қулай таълим муҳитини шакллантириш;

таълим ва илмий-тадқиқот йўналишларида **етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш**, талабаларнинг академик мобиллигини йўлга қўйиш;

**илмий-педагогик салоҳиятни ошириб бориш**, жумладан, профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нуфузли хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот марказларида ташкил этиш;

**таълим-тарбия жараёнини талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш**, Ватанга муҳаббат ва садоқат, халқ манфаатлари учун хизмат қилиш туйғуси билан яшайдиган баркамол авлод сифатида тарбиялашга қаратган ҳолда ташкил этиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Университет нодавлат олий таълим ташкилоти ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини **2024/2025 ўқув йилидан** бошлаб Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширади;

Университетда талабаларни ўқитиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади ҳамда қабул параметрлари ва талабаларни ўқитиш учун тўлов-контракт суммаси Университет томонидан белгиланади;

Университетга абитуриентлар қабули ва битирувчилар аттестацияси Университет томонидан белгиланган талаб ва тартибга мувофиқ амалга оширилади;

Университет тўлиқ академик, молиявий ва ташкилий мустақил олий таълим ташкилоти ҳисобланади;

Университет битирувчиларига **Аризона давлат университетининг** ёки Америка Қўшма Штатларида тан олинадиган ҳамкор хорижий олий таълим ташкилотининг **дипломи берилади**. Бунда, битирувчиларга берилган диплом Ўзбекистон Республикасида тан олинади;

Университетда қўшма таълим дастурларининг хорижий университетда ўқиш қисмини **бакалавриатда “3+1”**, **магистратурада “1+1”** ва бошқа шаклда, жумладан, масофавий тарзда амалга ошириш имконияти яратилади;

Университет фаолияти таъсисчилар маблағлари, тўлов-контракт асосида талабаларни ўқитишдан тушган маблағлар, ҳомийлик хайриялари, грантлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. “Cintana Education” компанияси (АҚШ) қуйидагиларни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши маълумот учун қабул қилинсин:

Университетни ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш учун 2024-2030 йилларда **30 миллион АҚШ доллари,** 2030-2035 йилларда **20 миллион АҚШ доллари** миқдорида инвестиция киритиш ҳамда инвестицияларнинг камида 50 фоизини Университет моддий-техника базасини шакллантиришга сарфлаш;

**Университетга Аризона давлат университетини ҳамкор сифатида жалб этиш** ҳамда Университетда таълим жараёнини ҳамкор университетнинг андозаси, ўқув-методик ва технологик қўллаб-қувватлаши асосида ташкил этиш;

**Университетнинг кутубхона фондини шакллантириш**, уни замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдириш ҳамда талабалар учун Аризона давлат университетининг кутубхона фондидан фойдаланиш имкониятини яратиш;

Университетда Аризона давлат университети ва нуфузли рейтинг ташкилотларининг юқори 200 талик рўйхатига кирган хорижий олий таълим ташкилотларининг таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш ҳамда **хорижий олий таълим ташкилотларининг дипломини беришни назарда тутувчи қўшма таълим дастурларини жорий этиш**.

6. Тошкент шаҳри, Бешёғоч кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган бино-иншоотлар унга бириктирилган ҳудуд билан биргаликда “Cintana Education” компаниясига (АҚШ) Университетни ташкил этиш учун 49 йил муддатга ижарага берилсин.

7. Тошкент шаҳридаги Америка технологиялар университети фаолиятини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш бўйича **бошқарув кенгаши** (кейинги ўринларда — Бошқарув кенгаши) ташкил этилсин ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бошқарув кенгашига **қуйидаги ваколатлар** берилсин:

Университетни **ривожлантириш дастури**, **мақсадли кўрсаткичлари** лойиҳасини кўриб чиқиш ва келишиш;

Университет олдига қўйилган **вазифалар ижроси**, **мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолатини** назорат қилиб бориш ва йиллик ҳисоботларни қабул қилиш;

таъсисчиларнинг **инвестициявий** ва **бошқа мажбуриятлари бажарилиши** юзасидан мониторинг олиб бориш;

Университет **ректори ва проректорлари лавозимига тавсия этилаётган номзодларни** кўриб чиқиш ва хулоса бериш;

Университетнинг **ўз таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашга рухсат бериш** юзасидан қарор қабул қилиш.

8. Бошқарув кенгаши (О.Абдурахманов):

**икки ҳафта муддатда** Университетнинг Тошкент шаҳри, Бешёғоч кўчаси, 1-уй манзили бўйича жойлаштирилишини;

**2024 йил 1 августга қадар** Университет томонидан хориждан жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларни жойлаштириш учун ижара турар жойлари тайёрланишини;

**2025 йил 1 сентябрга қадар** Университет кампусини қуриш учун Тошкент шаҳри ҳудудидан зарур ер майдонининг белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

9. Ташқи ишлар вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг виза талабномаларига биноан Университетга жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик йиғимлар ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг буюртманомаларига кўра Университетни ташкил этиш ва унинг фаолият юритишида иштирок этадиган хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А.Шарипов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.К.Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 июль

# ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ

## Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Қирғизистон бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакат вазирлик, идоралари, тармоқ бирлашмалари, вилоят ҳокимликлари раҳбарлари ҳамда 350 дан зиёд ишбилармон доира вакили иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Жамшид Хўжаев икки давлат раҳбарларининг самимий муносабати туфайли кўп қиррали ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмида ўсиш кузатилгани қайд этилди — ўтган йил якунига кўра, мазкур кўрсаткич 1 миллиард долларга етди. Товар айланмаси янада ошишини таъминлаш учун тайёр тўқимачилик, озиқ-овқат, елим, пойабзал, ўғит, қурилиш, маиший техника ва фармацевтика маҳсулотлари, ахборот технологиялари хизмати, қорамол ва майда чорва моллари, кўмир, озиқ-овқат ва бошқа талабгир товарлар етказиб беришни ўзаро кўпайтириш чораларини кўриш муҳимлиги маъқулланди.

Мулоқот чоғида кейинги йилларда инвестиция ва саноат кооперацияси соҳасидаги ҳамкорлик фаоллашгани алоҳида қайд этилди. Бугунги кунда юртимизда ушбу қардош давлат капитали иштирокида 280 га яқин корхона фаолият юритмоқда. Қўшма ташаббусларни амалга оширишда муҳим ўрин эгаллаган Ўзбекистон — Қирғизистон Тараққиёт жамғармаси кўмагида 186 миллион долларлик 33 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Республикамизда тадбиркорларга кўплаб қулайликлар яратилгани, жумладан, қонунчилик либераллаштирилгани, солиқ ва божхона соҳаларида имтиёз, преференциялар жорий қилингани, турли ҳудудларда 25 та эркин иқтисодий зона ташкил этилгани эътироф этилди.

Форум давомида, шунингдек, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантирувчи омиллар — ҳудудлараро ҳамкорликни чуқурлаштириш, чегара ҳудудларида маиший техника, дори-дармон, мебель, қурилиш материаллари, пойабзал, чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар ташкил қилиш борасида фикр алмашилди.

Шу нуқтаи назардан, ҳудудлар делегациялари ўзаро ташрифлари амалиётини йўлга қўйиш, форум, кўргазма, давра суҳбатлари ва B2B форматидаги учрашувлар, шунингдек, маданий-гуманитар тадбирлар ўтказиш таклифи маъқулланди.

Қирғизистон томони товар айирбошлаш ва сармоявий ҳамкорликдаги барқарор ўсиш суръатини юқори баҳолади. Бу жараёнда транспорт-логистика, энергетика соҳасидаги янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш, савдо ваколатхоналари фаолиятини кучайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Музокаралар давомида тадбиркорлар кўплаб янги шериклар билан фойдали алоқа ўрнатиб, амалга ошириладжак лойиҳаларнинг ўзига хос жиҳатларини муҳокама қилиб олдилар.

Анжуман якунида озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, логистика маркази ташкил этиш, чиқиндини қайта ишлаш, биргаликда геология-қидирув ишларини олиб бориш ва кўмир етказиб бериш, ахборот технологиялари, электротехника ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича 20 та битим, меморандум ва савдо шартномалари имзоланди.

**Б.ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

Истиқболли ҳамкорлик

## Ўзбекистон — Қирғизистон:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ ОЧИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғизистон Президенти Садир Жапаров 18-19 июль кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлади.**

Қирғизистон Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори ва энг яқин қўшнисидир. Икки халқнинг тарихи ва маданияти бир-бири билан узвий боғлиқ, яқин қардошлик муносабатлари эса илиқ дўстлик ва яхши қўшничилик учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди ҳамда икки давлат пойтахтларида элчихоналар очилди. Бугун мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик мисли кўрилмаган даражага кўтарилди.

Қирғизистон билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик тамойилларига асосланган конструктив, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли мулоқот Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Хусусан, шартномавий-ҳуқуқий база савдо-иқтисодий, фан, туризм, транспорт, маданият ва бошқа соҳаларни қамраб олган 180 дан ортиқ битим ва шартномадан иборат.

Улардан энг муҳими — Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, Стратегик шериклик, дўстлик, яхши қўшничилик ва ишончни мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларация икки томонлама муносабатларни янги амалий мазмун билан тўлдириш учун шароит яратмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрь ва 2023 йил январь ойларида қўшни республикага давлат ташрифлари, Президент Садир Жапаровнинг 2021 йил март ойида мамлакатимизга давлат ташрифи янги Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдаги муҳим воқеалар бўлди. Шунингдек, ушбу ташрифлар барча даражадаги кўп қиррали мулоқотни ривожлантиришга кучли туртки берди.

Парламентлараро ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. 2017 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Президентининг Қирғизистонга ташрифи чоғида Олий Мажлис ва Жўқорғу Кенеш ўртасида парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган эди. 2020 йил июнь ойида ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссия тузилган бўлса, 2021 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раиси Қирғизистонга ташриф буюрди.

Парламент делегацияларининг ўзаро ташрифлари ошди, шунингдек, икки давлат парламентарийлари МДҲга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси, Марказий Осиё давлатлари етакчи аёллари мулоқоти ва бошқа платформаларда ўзаро ҳамкорлик қилмоқда.

Икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари даражасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг, жумладан, телефон орқали мулоқотлари ва халқаро майдонларда доимий учрашувлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, икки мамлакатнинг таҳлилий марказлари ўртасида Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича аниқ қўшма таклиф ва ташаббуслар ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот алоқалари йўлга қўйилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади ва ушбу йўналишда юқори натижаларга эришилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда қарийб тўрт баробар ошди. 2024 йилнинг январь-май ойларида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 294,3 миллион АҚШ долларига етди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Қирғизистон капитали иштирокидаги 273 корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Қирғизистонда эса мамлакатимиз резидентлари иштирокида 70 та корхона ташкил этилган.

1996 йилдан буён фаолият юритаётган ҳукуматлараро комиссия ва 2021 йилда ташкил этилган ишбилармонлар кенгаши икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Икки давлат учун яна бир стратегик йўналиш транспорт коммуникацияларини ривожлантиришдир. Шу боис, томонлар Марказий Осиёнинг транспорт тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича биргаликда саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш орқали йирик трансчегаравий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон қўшма темир йўлини қуриш лойиҳаси шулар жумласидандир.

Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича ҳам муҳим қарорларга эришилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йил январь ойида Қирғизистонга давлат ташрифини якунлар экан, Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегарасининг айрим участкалари тўғрисида битим имзолангани икки томонлама муносабатларда чинакам тарихий воқеа бўлганини алоҳида таъкидлади.

“Чегарани делимитация қилиш масалалари тўлиқ тартибга солингани икки томонлама ҳамкорлик ва ҳудудлараро алмашинувлар ривожида муҳим ўрин тутади, минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади”, деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги узоқ йиллардан буён ўзаро муносабатлардаги мураккаб масалалардан бири сув ресурсларини бошқариш бўлиб келган. Икки давлатнинг сиёсий иродаси туфайли бу борада ҳам муҳим келишувларга, хусусан, Кампиробод (Андижон) сув омбори сув ресурсларини биргаликда бошқариш бўйича келишувга эришилди. 2022 йилда қўшма сув комиссияси тузилиб, унинг тўртта йиғилиши бўлиб ўтди. Уларнинг охиргиси 2024 йилнинг апрель ойида Андижон шаҳрида ўтказилган. Комиссия фаолияти кўп йиллик мунозарали масалаларни ҳал этиш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган. Бу мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш ва минтақанинг барқарор ривожланиши учун шароит яратишга хизмат қилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларнинг юқори даражасидир. Ўзбекистонда 300 мингдан ортиқ қирғиз истиқомат қилса, Қирғизистондаги ўзбеклар жамоаси 1 миллионга яқин. Ҳар икки давлатда она тилларида таълим берадиган маданият марказлари ва мактаблар фаол ишламоқда.

2017 ва 2018 йилларда Қирғизистонда ва Ўзбекистонда икки давлат маданияти кунлари ўтказилди. 2022 йилда Ўзбекистонда қирғиз маданият марказларининг 30 йиллиги нишонланди, 2023 йил апрель ойида Бобур номидаги Ўш давлат ўзбек академик мусиқа драма театрида Ўзбекистон ҳукумати кўмагида амалга оширилган реконструкция ишлари якунланди.

Томонлар фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор. Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукуматлари ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида беш йиллик шартнома имзоланди. Мазкур ҳужжат доирасида педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида ҳамкорлик ривожлантирилиб, талабалар ва ўқитувчиларнинг ўзаро алмашинуви йўлга қўйилган.

Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг чегарадош вилоятларидаги олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик самарали ривожланмоқда. Ўқув дастурлари доирасида талабалар алмашинуви амалга ошириляпти, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятлари ҳамда Ўзбекистоннинг Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари олий таълим муассасалари ўртасида қатор ҳамкорлик меморандумлари тузилган.

Илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги битимни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Фанлар академияси ва Қирғизистон Миллий фанлар академияси ўртасида самарали алоқалар ўрнатилди. Икки мамлакат илм-фан намояндаларининг ташрифлари алмашилмоқда. Томонлар Ўзбекистон ва Қирғизистонда ўтказиладиган илмий-амалий анжуманларда мунтазам иштирок этяпти. Бугунги кунда таълим ва фан соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали фойдаланилмаган катта имкониятлар мавжуд.

Мунтазам ҳаво қатновининг тиклангани, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги давлат чегарасини кесиб ўтиш тартиб-таомилларининг соддалаштирилгани ўзаро сайёҳлар оқими ошишига хизмат қиляпти. Ўзбекистонга келаётган қирғизистонлик сайёҳлар сони йил сайин ортиб бормоқда ва бу ҳам мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги маданий алоқалар ва қардошлик ришталари мустаҳкамлигидан далолат беради.

Ҳеч шубҳасиз, олий даражадаги конструктив мулоқот, фаол иқтисодий ҳамкорлик ва маданий алмашинувлар Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги шерикликни янада мустаҳкамлайди. Шунингдек, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка интилиш ҳар икки давлатнинг барқарор ривожланиши ва фаровонлиги учун қулай шарт-шароит яратади. Шу нуқтаи назардан, Қирғизистон Президенти Садир Жапаровнинг Ўзбекистонга бўлажак давлат ташрифи эришилган ҳамкорлик даражасини мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли шерикликни янада жадаллаштиришга туртки берадиган муҳим қадам бўлади.

**“Дунё” АА**



> **Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрь ва 2023 йил январь ойларида қўшни республикага давлат ташрифлари, Президент Садир Жапаровнинг 2021 йил март ойида мамлакатимизга давлат ташрифи янги Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдаги муҳим воқеалар бўлди. Шунингдек, ушбу ташрифлар барча даражадаги кўп қиррали мулоқотни ривожлантиришга кучли туртки берди.**

> **Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади ва ушбу йўналишда юқори натижаларга эришилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда қарийб тўрт баробар ошди. 2024 йилнинг январь-май ойларида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 294,3 миллион АҚШ долларига етди.**






Уйғоқ фикр

# ЮРТ КЕЛАЖАГИ ШАХС ТАРБИЯСИГА БОҒЛИҚ

**Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Кўқон ва Марғилонда нуронийлар, имом-хатиблар, маҳалла фаолларидан иборат Оқсоқоллар кенгаши ҳамда ота-оналар гуруҳларини тузиш таклифи айни муддао бўлди.**



**Бобоequавшан ҒОЗИДДИНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Инсон ким ва қандай шароитда бўлмасин, доим ҳамроҳ, ҳамфикрга эҳтиёж сезади. Бу, айниқса, муҳим қарорлар қабул қилишда яққол кўзга ташланади. Масалан, Қоражон Алпомишни чоҳдан чиқара олмагач, қандай йўл тутишни билмай ўйланади. Ҳеч бир маслаҳатгўйи йўқ Қоражон телпагини олдига қўйиб, “Қоламизми, кетамизми, маслаҳат бер, телпагим?” дейди. Ваҳоланки, ўша вазиятда кетишдан бошқа чораси йўқ эди.**

Одам қабул қилаётган қарори тўғри эканини билса ҳам кимдир қўллаб-қувватлашини, далда беришини истайди. Худди шунингдек, ҳар бир жамиятда шундай маслаҳатчилар бўлади. Уларни биз оқсоқоллар, зиёлилар деб атаймиз. Бугун уларга ҳар доимгидан ҳам эҳтиёж катта. Сабаби, улар жамият маёғи, ёшларга йўл кўрсатувчи.

Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Қўқон ва Марғилонда нуронийлар, имом-хатиблар, маҳалла фаолларидан иборат Оқсоқоллар кенгаши ҳамда ота-оналар гуруҳларини тузиш таклифи айни муддао бўлди. Мазкур кенгаш ва гуруҳлар мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутади. Чунки уларнинг ҳаётий тажрибаси ёшлар таълим-тарбиясида улкан аҳамият касб этади.

Бугун навқирон авлод камоли учун жуда кўплаб хайрли ишлар бажарилмоқда. Бунинг самараси эса аллақачон кўзга ташлана бошлади. Маълумотларга кўра, **ёшларнинг ижтимоий масалаларга доир мурожаати камайган.** Асосан, илм-фан, таълим бўйича мурожаатлар кўпайган. Бу, албатта, ислоҳотлар самараси.



Янги тизим туфайли ижтимоий-иқтисодий муаммолар маҳалланинг ўзида ҳал бўляпти. Айни пайтда мазкур йўналишдаги янгиланишлар давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 28 июнь куни ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар сарҳисоби, янги вазифа ва таклифлар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида яна қатор ташаббуслар ўртага ташланди. Жумладан, ёшларни катта даромад келтирадиган касбларга ўргатиш, юқори қўшилган қиймат яратадиган лойиҳаларни кўпайтириш бўйича ўзгаришлар бўлади. Бунинг учун ҳар йили 100 миллион доллар ажратилади.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар тадбиркорлиги жамғармаси Ёшлар ишлари агентлигига ўтказилади. Жамғарма ёшларнинг энг яхши 500 та лойиҳасини танлаб олади. Уларга “бизнес пакет” қилиб беради. Лойиҳа тайёр бизнесга айланиб, даромад келтиргунча кўмак берилади. Шу тариқа ёш тадбиркорлар ўз бозорини топади.

Бу йиғилишда олдинга қўйилган мақсадлардан бир қисми, холос. Бундан ташқари, ёшлар ҳаётини тўла қамраб оладиган кўплаб лойиҳалар, истиқболли ташаббуслар илгари сурилди. Уларнинг ҳаммаси навқирон авлоднинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўнглашга қаратилган.

Мазкур йўналишда натижадорлик яхши. Энди ўша илм, моддий таъминот тўлалигича халқ, ватан манфаати учун хизмат қилиши керак. Бунинг учун ёшлар, умуман, жамиятга маънавий етуклик зарур.

Жадид боболаримиз нега жонини хатарга қўйиб, бор мол-дунёсини жамиятни уйғоқликка чақиришга, ёшларга илм ўргатишга сарфлади? Чунки улар маърифатпарвар, дунёқараши кенг шахслар эди.

Мамлакатимизда жадидлар каби зиёли қатламни тарбиялашга жиддий эътибор берилар экан, биринчи навбатда, уларнинг маънавий оламини бойитиш керак. Бунинг учун глобал дунё талабларига жавоб берадиган оқсоқоллар зарур.

## ЗАМОНАВИЙ ШИРОҚЛАРГА ЭҲТИЁЖ БОР

XXI асрнинг ижтимоий-сиёсий қиёфасига ортиқча таъриф бериш шарт эмас. Ҳолат шундайки, инсон онги ва қалбини забт этиш осонлашди. Ҳа, уйдан чиқмай дунёнинг исталган жойидаги ёшларни ёт ғоялар ортидан эргаштириш мумкин. Ўзгалар ҳийласига учган кишининг кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Унинг учун ота-она, ватан, халқ манфаати деган тушунчалар бегоналашади. Буни улуғ адиб Чингиз Айтматов “Асрга татигулик кун” романида манқурт ўғил образи билан тўла очиб берган.

Бугунги асримизга келиб, инсонни манқуртга айлантириш учун бошига туя терисидан телпак кийдириб, саҳрога улоқтириш шарт эмас. Ижтимоий тармоқлар орқали ёшларга ёқадиган, қизиқтирадиган ахборотлар билан тўйинтириш, ёт маданиятларни тарғиб этиш кифоя.

**Ёшлар олтин фонд, деб бежиз айтилмади. Улар илмий салоҳиятини тўлалигича халқ фаровонлиги учун сафарбар қилиб, мамлакатни тараққий эттиради. Ёруғ келажакни таъминлайди. Бунинг учун уларнинг қалби ва онгига она юртга муҳаббат ва садоқат чуқур сингдирилган бўлиши керак. Бу тарбиядаги энг мураккаб ва шарафли вазифа.**

Шу шарафли ишни уддалай олган шахсларни Широққа ўхшатиш мумкин. Афсонавий қаҳрамон ватан келажаги учун жонини фидо этди. Бу — унинг жасорати. Шундай йўл тутдики, ёлғиз ўзи бутун бошли душман қўшинини йўқ қила олди. Мазкур жиҳат чўпоннинг нақадар оқил, узоқни кўра билганидан далолат.

**Давлатимиз раҳбари айтган оқсоқоллар кенгаши аъзолари Широқ каби оқиллик билан, керак бўлса, ундан ҳам аъло даражада иш тутиши керак. Чунки улар зиммасида ЎЗЛИК деган чегарани ҳимоя қилиш вазифаси турибди.**

Ҳа, айнан зиммасидаги вазифа. Негаки зиёли, оқсоқол шахсларнинг маънавий бурчи ҳеч қачон ўзгармайди. Президентимиз ташаббусини эса ана шу вазифага янгича, замонга мос ёндашув қилишга чақириқ деб ўйлайман. Айнан шу жиҳати билан ҳам мазкур ташаббус долзарб. Чунки шиддатли давр, глобал сиёсий жараёнлар шуни талаб этмоқда.

Навқирон авлод қалби маърифатга ошно бўлса, ўзи олға интилиб, касб-ҳунар ўрганади. Илм йўлидаги машаққатлардан чўчимай, янгиликларга ошиқади. Гап шундаки, аҳолисининг ярмидан кўпи ёшлар бўлган мамлакат учун тарбия биринчи ўринда бўлиши шарт. Илгари сурилаётган ташаббусда ана шу эзгу ният ҳам бор.

Қолаверса, давлатимиз раҳбари шу йил 28 июнда ёшлар билан ўтказилган мулоқот чоғида айни масалани кўтарган эди. Ўшанда тарбияси оғир, қийин шароитдаги ёшлар билан ишлашда янги тизим бўлиши айтилди. Масалан, оилавий ажралиш ёқасидаги, жиноят қилишга мойиллиги бор, мунтазам дарс қолдирадиган ёшлар билан манзилли ишланади. Туман ҳокимлари ҳар ҳафта, вилоят ҳокимлари ва вазирлар ҳар ой камида бир марта ёшлар билан учрашади. Уларнинг муаммоларига ечим беради.

Шу ўринда яна оқсоқоллар кенгаши ва ота-оналар гуруҳларининг аҳамияти кўзга ташланади. Вазир, ҳоким даражасидаги шахслар умумий ҳолат билан таниш бўлади. Аммо чекка маҳалладаги, айтайлик, Эшматнинг қандай муаммоси борлигини, Тошмат нималарни орзу қилишини билмаслиги табиий. Учрашувларда эса ёшлар доим ҳам



қалбини очиб гапиравермайди. Ана шундай вазиятда оқсоқоллар кенгаши иш бериши керак. Улар ёшлар қалбидаги ўйларни аниқ билиши, орзу-истакларидан хабардор бўлиши зарур. Шундагина масъулларга тўғри маслаҳат бериб, маёқ вазифасини уддалай олади.

## НАВОИЙ СОҒИНЧИ

Оқсоқолларнинг вазифаси ҳеч қачон ўзгармайди, дедик. Масалан, “Алпомиш” достонида Бойсари ва Бойбўри сен-менга бориб қолади. Ўша вазиятда Бойсари оқсоқолларга юзланади. Аммо тўғри йўл кўрсата оладиганлар мум тишлайди. Ёртибой кабилар эса фурсатдан фойдаланиб, ўз манфаати учун гап айтади. Шу тариқа ака-ука юзкўрмас бўлиб кетади. Ҳа, ҳақиқий оқсоқоллар ўзини четга тортса, қарор қабул қилувчи қийналади.

Президентимиз Фарғонага ташрифи чоғида “Ташаббусли бюджет” доирасидаги ишлар ҳақида ҳам тўхталди. Бу йил Фарғонадаги 266 та лойиҳага 340 миллиард сўм ажратилган. Лекин уч ойдан бери кўплаб лойиҳалар бўйича ҳали амалий иш бошланмаган. Давлатимиз раҳбари шу ойнинг ўзида “Ташаббусли бюджет”га вилоят бюджетидан ҳозиргача ажратилмаган маблағни ўтказиш бўйича топшириқ берди. Мазкур ишлар қилинса, 35 та маҳалладаги электр, газ ва йўл масаласи ҳал бўлади.

Ушбу ҳолат учун ҳар биримиз масъулларнинг сусткашлигини танқид қилишимиз табиий ва тўғри ҳам. Аммо масаланинг бошқа жиҳати ўйлантиради. Наҳотки 35 та маҳаллада бирорта кайвони, гапи ҳокимгача етиб борадиган оқсоқол бўлмаса. Улар аллақачон бажарилиши керак бўлган ишни талаб қилиб, амалга ошира олмаса? Давлат томонидан тўғри йўлга қўйилган, маблағи, режаси аниқ бўлган ишлар учун ҳам Президент кўрсатмасини кутиш шартми?!



Архив суратлари.

Шу ўринда Алишер Навоий эсга келади. Ҳазрат ўз даврининг энг замонавий, оқил зиёлиси бўлган. Ҳусайн Бойқаро нега у зотнинг сўзига қулоқ солар, маслаҳатига амал қиларди? Фақат болаликдаги дўсти бўлгани учунми? Фикримча, ундай эмас. Навоий сўз заргари бўлиш билан бирга кенг дунёқарашга эга, маърифатпарвар шахс эди. Сўз ва амал бирлиги, масалани етказа олиш қобилияти, қисқаси, чин оқсоқоллиги сабаб Бойқаро дўстига қулоқ тутарди. Умид қиламизки, оқсоқоллар кенгаши Навоийдек зотлардан намуна олиб иш тутади. Жойлардаги масъулларга ёшларнинг муаммоларини етказиб, жамиятдаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга ҳисса қўшади.

Шундай зиёлилар ўзини четга тортмай ўртага чиқса, албатта, жамиятда ижобий ўзгаришлар жадаллашади. **Масалан, яқин тарихимизда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовдай шахслар яшаб ўтди. Ёш ижодкорлар бирор ишга қўл уришдан аввал Абдулла Орипов нима дер экан, Эркин Воҳидов қандай баҳо берар экан, деган саволга жавоб излаган. Шу орқали масъулиятни ҳис этган, ўнг-сўлига қараб иш тутган.**

Шунингдек, ҳар бир соҳанинг оқсоқоллари бўлиши керак. Муҳими, уларнинг борлиги сезилиши, зиёли шахслар Навоий каби масъулиятни зиммасига олиши лозим.

Ҳозирги глобал ўзгаришлар даврида ёшларни ватанпарвар қилиб тарбиялаш учун ҳар бир маҳалла, туман ва вилоятнинг ана шундай шахслари олдинги сафга чиқиши керак. Бугун Навоий каби шахс ўртага чиқса ҳам бутун жамиятни ортидан эргаштириши қийин. Чунки глобал дунёда ахборот оқими, ўзанлари кўп. Табиийки, бу орқали турфа фикрлилик шаклланади. Ана шу турлича қарашлар битта нуқта — халқ ва мамлакат фаровонлиги учун хизмат қилиши керак. Йўл бошқа, манзил битта бўлмоғи шарт. Бунга фақат ва фақат маърифат тарғиботи орқали эришиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида жуда кўплаб ижтимоий-иқтисодий масалаларни атрофлича таҳлил этди. Янги лойиҳалар, истиқболли режалар ўртага ташланди. Шулар қатори маданият ва маърифат соҳасига алоҳида эътибор берилди. Зеро, **эзгулик — шиоримиз, маърифат — қуролимиз, деган эзгу ғоя атрофида бутун жамият бирлашиши керак.** Хўш, янги ташаббусдан сўнг бу борадаги ишлар қай йўсин бажарилмоқда?

— Президентимиз фаоллар билан йиғилишда вилоятни ижтимоий демократлаштириш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди. Айниқса, Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарларини ривожлантириш борасида долзарб ташаббуслар илгари сурилди. Ана шу мақсадлар учун 28 триллион сўм маблағ ажратилганини алоҳида таъкидлади, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилояти бўлими раҳбари Маъсуджон Сулаймонов. — Фарғона вилоятининг ҳар бир туман ва шаҳри учун алоҳида бир дастур ишлаб чиқилгани айтилди. Бу дастурлар ана шу ҳудудларнинг юксалишига хизмат қилади. Масалан, Қўқон шаҳрида маҳаллалар массиви қуриладиган бўлди. Шу билан бирга, Қўқон иқтисодий зонаси кенгайтирилади. У ерда янги лойиҳалар амалга оширилади. Буларнинг ҳаммасидан кўзланган мақсад — аҳоли бандлиги, тадбиркорликни ривожлантириш, инвестициялар жалб этиш. Ижтимоий масалаларнинг аксарияти ана шундай иқтисодий барқарорликка эришиш орқали ҳал бўлади. Шу жиҳатдан иқтисодий ўзгаришлар ҳам маърифат тарғиботчиларининг ишини осонлаштириш учун ташланган қадам деб қабул қиламиз. Қўқон ва Марғилон шаҳарларида тажриба сифатида оқсоқоллар кенгашини ташкил этиш бўйича муҳим ташаббус илгари сурилди. Бу эса биз, маънавиятчилар учун ҳам катта бир воқеа бўлди. Ёшлар тарбияси, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит, маҳаллалардаги оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш ниҳоятда долзарб вазифа сифатида қайд этилди. Айниқса, уюшмаган ёшлар билан ишлаш бўйича ҳам аниқ вазифалар белгиланди. Бу ҳам мамлакатимизда ёшлар сиёсати устувор вазифа эканини кўрсатди. Ташрифдан сўнг ҳар бир масъул ўзи учун муҳим вазифаларни белгилаб олди. Масалан, шу йил якунига қадар 400 мингта иш ўрни яратиш керак. Бу борада ишлар жадал тус олмоқда. Маънавият соҳасида эса оқсоқоллар кенгашини тузиш, фаолиятини тўғри ташкил этиш борасида кенгашиб, фикр алмашиб олдик. Қисқа муддатда амалий ишлар бошланади. Фарғона вилоятининг улкан ижтимоий-иқтисодий салоҳияти бор. Ўйлайманки, ана шу салоҳиятдан фойдалансак, вилоятимиз иқтисодий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам янги босқичга қадам қўяди.

## МАЪРИФАТПАРВАРЛИК — КЎЗИ ТЎҚ АВЛОДНИНГ ИШИ

Қорин ғамидан боши чиқмайдиган одам камдан кам ҳоллардагина маънавият ҳақида ўйлайди. “Муҳтожлик, барисин ўйлаб топган сен!” дейди замондош шоир.

Ҳақиқатан, муҳтожлик инсонни турфа йўлларга бошлайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларга кенг ўрин ажратилмоқда. Иш ўрни яратиш, тадбиркорликка имтиёзлар бериш шулар жумласидан.

**Ана шу иқтисодий ўсиш ўзлигимизни йўқотиш эвазига бўлмаслигига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Шу жараёнда яна бир муҳим жиҳатни унутмаслик керак. Ўз йўлини топган, кўплаб иш ўринлари яратиб, ютуқларга эришаётган ёшларни ҳам назардан четдан қолдирмаслик зарур.**

Бу борада давлатимиз раҳбари баъзи ташаббусларни илгари сурган эди. Масалан, китобхонликни тарғиб этиш. Бугун ёш китобхон, мутолаага ошно оилалар ўртасида танловлар ўтказиб келинмоқда. Ғолиблар яхшигина рағбатлантирилаётганини ҳам биламиз. Аммо пули бор, рағбатга эҳтиёжи, эҳтимол, қизиқиши йўқ ёшлар-чи?! Ахир тадбиркорлик қилаётган ёшлар қўлида катта миқдорда маблағ бор. Улар машина олиш учун китоб ўқимайди. Чунки ўзи кимгадир совға қилишга қодир.

Ўйлайманки, уларни ҳам маънавият, адабиёт тарғиботидан четда қолдирмаслик керак. Чунки муҳтож ёки ўртаҳол одамнинг ёлғиз ўзи адашади. Хато йўлга фақат умрини тикади. Қўл остида ўнлаб ишчиси бор, маблағи кўп ёшларнинг хато йўлга кетиши жуда кўп йўқотишларга олиб келади.

Масалан, қимматбаҳо машинада йўл қоидаларини қўпол равишда бузаётган ёшлар топилади. Жамият қоидаларини менсимаслик мамлакат қонунларига бўйсунмасликкача олиб боради. Бундай юриш-туриш эса ёмон оқибатларни келтириб чиқариши кундай равшан.

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан мулоқотда яна бир эзгу ташаббусни илгари сурган эди. Яъни уларнинг маънавий оламини бойитиш, адабиётга ошно қилиш учун ёшлар кўчма “Шеърият театри”ни ташкил этиш!

Бундан ташқари, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёт намуналарининг таржималарини халқаро оммага етказиш борасида ҳам ташаббуслар илгари сурилди. Мана шу ташаббусларни бевосита тадбиркор ёшлар ҳаёти билан боғлаш керак, назаримда. **Эҳтимол, “Шеърият театри” учун ёш тадбиркорлар ҳомийлик қилар. Албатта, бунинг эвазига муайян имтиёзлар берилиши адолатли бўлади.**

Ёки айнан тадбиркорлар ўртасида уларни қизиқтира оладиган китобхонлик танловлари ташкил этилар. Нима бўлса ҳам уларнинг ижодкорлар билан яқин дўст бўлишига эришиш керак деб ўйлайман. Бу дўстлик кейинчалик ишбилармон ва зиёлининг ҳамфикрлилигига хизмат қилади. Бошқача айтганда, **ҳар бир тадбиркорнинг ўз зиёлиси, оқсоқоли ҳам бўларди.**

Ёшлар ҳозир ижтимоий масалалардан кўра кўпроқ илм-фанга оид ишлар борасида мурожаат қилаётганини айтдик. Бу, аслида, жуда катта воқеа. Мамлакатдаги ислоҳотларнинг амалий натижасидир. Йигит-қизлар яқин-яқингача арзини кимга айтишни ҳам билмасди. Қисқа муддатда ижтимоий масаладан кўра муҳимроқ мавзулар ҳақида ўйлаяпти. Энди буни янада юксалтириш, иқтисодий фаровонликни ошириш баробарида маънавий чегараларимизни ҳам мустаҳкамлаб бораверишимиз шарт. Бунинг учун бизда имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 18 июль, 143-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Тадбиркорлар билан очиқ мулоқот олдидан



# ДАДИЛ АЙТИЛАЁТГАН МУАММОЛАР

## Ишбилармонлар бўлажак учрашувдан ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР КУТМОҚДА?



**Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**20 август — Тадбиркорлар куни арафасида Президентимизнинг юртимиз ишбилармонлари, бизнес вакиллари билан очиқ мулоқоти дунё амалиётида ўхшаши йўқ, ўзига хос анъанага айланган. Бизнес эгалари ҳам буни чуқур англаган ҳолда учрашувга йилдан йилга жиддий тайёргарлик кўряпти.**

Чунки кўтариладиган муаммо ва масалалар ечими янги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш орқали ҳал этилиб, тадбиркорларга қўшимча енгиллик ва имтиёзлар тақдим қилинмоқда. Бу йил Қорақалпоғистонда бўлиб ўтадиган очиқ мулоқотни ишбилармонлар катта қизиқиш билан кутаётгани боиси шунда.

Мулоқотга тайёргарлик жараёни авж паллада. Одатдагидек тадбиркорлар мурожаатларини қабул қилиш ва таҳлил этиш бўйича платформа яратилиб, республика штаби фаолият юритяпти. Мурожаатлар куну тун қабул қилиниб, махсус штабга тақдим этилмоқда. Индивидуал мазмунга эга муаммолар мутахассислар томонидан жойида ҳал этилаётган бўлса, тизимли масалалар йўналишига кўра йиғилиб, ўрганилмоқда.

Таклифлар билдиришда йирик бизнес вакилларидан кичик тадбиркорлар ёки хонадонида даромад топадиганларгача фаоллик кўрсатяпти. Бу уларнинг тизимга, муаммолар қоғозда қолиб кетмаслигига ишончи юқорилигидан далолат. Бу ишонч йилдан йилга ошиб, тадбиркорларни нафақат шахсий манфаатлари, балки соҳадаги ҳар бир кишига наф келтирадиган, мамлакат иқтисодий ривожига турткי берадиган масалаларни ўртага ташлашга ундамоқда. Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан илк бор очиқ мулоқоти ўтказилган 2021 йили аксарият муаммолар шахсий характерга эга бўлган бўлса, бугунга келиб, масалалар тизимли кўринишда тақдим этилмоқда.

— Бизнес эгаларининг нафақат даромади, балки билими ва дунёқараши, соҳага ёндашуви ҳам тубдан ўзгармоқда. Буни улар тақдим этаётган катта масалалар, аниқ ва тизимли ташаббусларда ҳам кўриш мумкин, — дейди Савдо-саноат палатаси раиси Даврон Ваҳобов. — Шу боис, бу йилги очиқ мулоқот доирасида кўпроқ тизимли, соҳада ечимини кутаётган аниқ масалаларга эътибор қаратяпмиз. Уларни тадбиркорликнинг турли йўналишлари бўйича учрашувлар ўтказиб, бевосита ишбилармонларнинг ўзидан тинглаяпмиз, ташаббусларни йиғиб боряпмиз. Чунки ҳар бир соҳада ўзига хос муаммолар бор ва шунга мос янги таклифлар бўлгани мақсадга мувофиқ деб биламан. Муҳими, тадбиркорларимиз уларни қўрқмасдан кўтаряпти. Ўз навбатида, ечимини кутяпти.

Бу бежиз эмас. Сабаби ҳар йили очиқ мулоқот доирасида илгари сурилаётган ташаббуслар соҳадаги кўплаб масалаларни ечиш баробарида ишбилармонларни қувонтирадиган янгиликлар, имтиёзларга бой бўлаётир. Бу бир ёки бир неча тадбиркор манфаатини кўзлайдиган эмас, балки ҳар бир бизнес эгаси фаолиятини яхшилашга қаратилган, соҳа ичидаги барча учун амал қиладиган ташаббус ва имтиёзлардир. Хусусан, 2021 йили бўлиб ўтган очиқ мулоқот натижалари бўйича 57 та, 2022 йилда 55 та ҳамда ўтган йили 56 та ташаббус илгари сурилиб, ижобий ечимини топгани бунинг яққол исботи.

Жараёнда бизнес вакилларининг фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Кўзга кўринмайдиган муаммоларни соҳанинг ичидаги одамлардан кўра ҳеч ким яхшироқ билмайди. Уларнинг мана шу масалаларни айтаётгани ечим топишда қўл келяпти. Очиқ мулоқотнинг натижадорлиги юқори экани ҳам шундан.

Қолаверса, ташаббуслар қонуний жиҳатдан кафолатланяпти. Хусусан, ўтган даврда тадбиркорларнинг таклиф ва ташаббуслари орқали Ўзбекистон Республикасининг 2 та қонуни, Президентимизнинг 12 та фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 9 та қарори қабул қилинди. Натижада тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари ишга туширилди. Бизнесни ривожлантириш банки, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳузурида Саноатни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги тизими жорий қилиниб, мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузганлик учун молиявий жарима миқдори пасайтирилди. Шу йил 1 мартдан лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг 22 тури бекор қилинди. Биргина “Tax-gap” тизими бекор қилиниши билан жорий йилнинг тўрт ойида тадбиркорлик субъектларига 7,5 триллион сўм ҚҚС суммаси қайтариб берилгани ҳам ташаббуслар маҳсулидир.




> **“ — Муаммолар айтилганда унга қайсидир ташкилот жавоб берсин, деган гаплардан қочишимиз керак. Чунки ташкилотлар ҳам қонунчилик асосида иш юритади. Шу боис, аввало, қонунчиликдаги тадбиркорликка оид нормаларни ўзгартириш, мувофиқлаштириш, камчиликларни тўлдиришга ҳисса қўшишимиз керак. — деди З.Ҳошимов. — Масалан, хорижда ресторанларнинг ташқи қисмида хўрандалар учун жой қилинган. Бу шаҳарлар дизайнига ҳам ижобий таъсир қилади. Бизда ҳам шуни йўлга қўйиш учун аниқ, мақбул ечимли тизим ишлаб чиқилиши керак.**



### МАСАЛАГА ҚАЙСИДИР ТАШКИЛОТ ЖАВОБГАР ЭМАС

Муаммо ва таклифларни ёзма ёки қўнғироқлар орқали қабул қилиш бошқа тадбиркорларнинг ўзидан бевосита тинглаш бошқа. Мулоқотда юзага келадиган баҳс-мунозаралар ҳам масалага ойдинлик киритиш, муаммони аниқроқ очиқлашга хизмат қилади.

Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотига тайёргарлик доирасида Савдо-саноат палатаси томонидан ўтказилаётган учрашувларда юзлаб бизнес эгалари иштирок этиб, таклифларини билдирмоқда. Учрашувлар соҳалар бўйича ташкил этилаётгани эса таклифларни шакллантиришда қулайлик яратади.

Масалан, савдо ва умумий овқатланиш соҳаси вакиллари билан ўтказилган дастлабки учрашувда айни шу йўналишдаги масалалар ўртага ташланиб, таклифлар сараланди. Ишбилармонлар ўзини қийнаётган муаммоларни айтиб, мутахассисларга юзланди.

— Умумий овқатланиш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг аксариятида бино ташқарисида енгил типдаги қурилмалар, масалан, музқаймоқ, газли ичимликлар аппаратларини ўрнатишга эҳтиёж бор, — дейди тадбиркор Элёр Лутфуллаев. — Кунлар иссиқ, одамлар ташқарида ўтириб дам олишни истайди. Улар учун қўшимча хизматлар таклиф этилиши даромадимизни оширади. Лекин ташқарига жой қилишда муаммолар бўляпти, қурилмаларни ўрнатиш ноқонуний деб топиляпти. Ана шу масалани кўриб чиқиш, рухсат этиш ёки ижарага бериш тизимини такомиллаштириш керак.

Масалага Кадастр агентлиги вакили муносабат билдирар экан, бунинг учун юртимизда тизим яратилгани, тадбиркор кўчма савдо қурилмаларини аукцион орқали ижарага олиши мумкинлигини маълум қилди.

Қурилмаларни ташқарига ўрнатиш тизими ҳозирча фақат Тошкент шаҳрида жорий этилган. Кейинчалик бошқа ҳудудларда ҳам йўлга қўйилиши айтилди. Тадбиркор аукцион масаласида ҳам қийинчиликлар борлиги, улар ижарада тургани боис, имтиёз кўпроқ бино эгасига тегишли эканини билдирди. Бошқа тадбиркор ҳам унинг гапларига қўшилди. Бу борада аниқ тизим йўқлиги боис, кўп сарсон бўлаётганини таъкидлади. Ташқарига бирор иншоот қурса, кадастр ходимлари ноқонуний ҳисоблаб, бузиб ташлатаётганини айтди.

Мавзу долзарблиги боис, баҳс қизигандан қизиди. Таклифни шакллантиришдан олдинги жараён муаммони аниқлаштириб олишга қаратилган эди. Муҳокамага йирик ишбилармон, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши аъзоси Зафар Ҳошимов ҳам қўшилди.

— Муаммолар айтилганда унга қайсидир ташкилот жавоб берсин, деган гаплардан қочишимиз керак. Чунки ташкилотлар ҳам қонунчилик асосида иш юритади. Шу боис, аввало, қонунчиликдаги тадбиркорликка оид нормаларни ўзгартириш, мувофиқлаштириш, камчиликларни тўлдиришга ҳисса қўшишимиз керак, — деди З.Ҳошимов. — Масалан, хорижда ресторанларнинг ташқи қисмида хўрандалар учун жой қилинган. Бу шаҳарлар дизайнига ҳам ижобий таъсир қилади. Бизда ҳам шуни йўлга қўйиш учун аниқ, мақбул ечимли тизим ишлаб чиқилиши керак. Тадбиркор ташқаридаги жойни аукцион орқали ижарага оладиган бўлса, бунинг учун бир неча ой кутишга тўғри келади. Унга қадар эса мавсум ўтиб кетади. Бу борада ресторан эгасига келишув асосида муайян муддатга ижарага бериш тизими йўлга қўйилса, қулайроқ бўлади, назаримда.

### ҲАММАСИ “ЗЎР”МИ?

Бундай муаммо ва камчиликлар тадбиркорликнинг барча йўналишларида бор. Соҳа бир жойда турмайди, муттасил ривожланишда. Масалалар ҳам шунга яраша пайдо бўлаверади. Уларни ўртага ташлаб, ечимини топиш эса энг самарали йўл. Бу жараёнда тадбиркорлар иштироки юқори экани амалий ишлар самарадорлигини оширмоқда.

Президент ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши янги таркиби тўлиқ илғор ишбилармонлардан иборат экани айтилмоқда. Фикр ва таклифлар эса тадбиркорлардан олиниб, сараланган. Бу йил ҳам ушбу тартиб давом этяпти. Кенгаш аъзоларининг ўзи ҳам соҳалардаги муаммоларни ўрганиб, таклифлар билдирмоқда. Хусусан, жамоатчилик кенгаши аъзоси, “Uzbek Leasing International” АЖ директори Зафар Мустафоев “Лизинг тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритишни таклиф қилди.

— Эсимда, бундан 20 йил олдин “Лизинг тўғрисида”ги қонун қабул қилинаётганида банк кредитлари қатори лизинг хизматларини ривожлантириш учун ҳам янги имтиёзлар берилган эди, — дейди тадбиркор. — Ҳозир бу имтиёзларнинг ҳеч бири йўқ. Шу боис, мазкур қонуннинг 2 та моддасини ўзгартиришни таклиф қиляпмиз. Биринчиси, лизинг объекти айнан лизинг олувчининг балансида бўлиши шарт, деган талабни бекор қилиш мақсадга мувофиқ. Иккинчиси, лизинг объекти тадбиркорлик мақсади учун, деган талабни олиб ташлаш керак. Бу нафақат юридик шахслар, балки жисмоний шахслар, уйда ўтириб бизнес билан шуғулланадиганлар, айниқса, хотин-қизларнинг лизинг олиш имкониятини оширади. Бизда лизинг ва молиявий ижара тоифалари аралашиб кетган. Уларни бирлаштириб юбориш мақсадга мувофиқ. Иккаласини бирлаштириб, лизинг десак, халқаро талабларга мос бўлади. Чунки ҳеч бир давлатда лизинг ва молиявий ижара деган алоҳида тушунчалар йўқ. Бу айрим лизинг компанияларининг қонунни айланиб ўтишида жуда қўл келяпти. Кейинги таклифимиз — кредит маслаҳатчиси институтини жорий қилиш. Бизда ҳозир солиқ маслаҳатчиси институти мавжуд. Худди шундай



кредит маслаҳатчиси вазифасини ҳам қонунан таъсис этиш керак. Унинг асосий вазифаси банк, лизинг компанияси, молия ташкилоти билан тадбиркор ўртасида кўприк бўлиш, ўзаро иш жараёнида маслаҳат беришдан иборат бўлади. Тадбиркорлар кўпинча ишлаб чиқариш ва бизнесни яхши билади, лекин ҳужжат билан ишлашга келганда “Жуда бюрократ экансизлар, тоза қийнадиларинг-да одамни”, дея эътироз билдиради. Кредит маслаҳатчиси вазифаси таъсис этилса, тадбиркор учун ҳам, молия ташкилотлари учун ҳам анча енгиллик бўларди. Бу амалиётда бор, лекин қонун билан мустаҳкамланмаган.

Лизинг масаласи чиндан ҳам кўпчиликни қийнайдиган муаммолардан. Ҳатто аксарият кишилар бу тизимнинг моҳиятини ҳам тушунмайди. Ана шу тушунмаслик шартномаларни кўр-кўрона имзолаш, оқибатда



тадбиркорларнинг катта зиён кўришига олиб келмоқда.

— Лизинг шартномалари бўйича кўп шуғулланаман, — дейди ҳуқуқшунос Манзура Эргашева. — Узоқ йиллик тажрибаларим асосида чиқарган хулосаларимга кўра, лизинг шартномаларида лизинг берувчининг мажбуриятлари деярли йўқ, фақат ҳуқуқлари кўрсатилади. Лизинг олувчиларники эса, аксинча, фақат мажбуриятлардан иборат. Тадбиркор банклардаги фоиз миқдори юқори бўлгани сабабли одатда лизинг олишга мажбур бўлади. Лекин бунинг ортидан молиявий аҳволи оғирлашган тадбиркорларни ҳам кўрдим. Шу боис, лизинг шартномаларини тубдан кўриб чиқиш зарур. Фуқаролик кодексига кўра, ҳар икки томон ҳам бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлиши керак деб ўйлайман. Икки томон ўртасида маслаҳатчи бўлиши лозим, деган фикрга ҳам қўшиламан. Тадбиркорга ҳуқуқий маслаҳат ҳеч қачон зарар қилмайди, аксинча, фаолияти ривожланишига хизмат қилади.

### НАТИЖА ҚОНИҚАРЛИМИ?

Мана шундай масалаларга ечим топиш, қонуний асослари таъминланишини истаб ҳам тадбиркорлар очиқ мулоқотни кутмоқда. Ўтган йилги ташаббуслардан уларнинг кўнгли тўлгани айни ҳақиқат. Янгиликлар кутилганидан зиёда бўлди.

Ташаббуслар натижасида бизнес юритишда кўплаб енгилликлар берилди. Масалан, билдирилган таклифлар асосида бизнес субъектлари микро, кичик, ўрта ва йирик тоифаларга бўлиниб, улар билан алоҳида ишлаш тартиби йўлга қўйилди. Қўшилган қиймат солиғини қайтариш муддати қисқартирилиб, ўтган бир йилда 6 мингта корхонага 20 триллион сўм қайтариб берилди.

Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини аниқлаш асносида уларга бериладиган имтиёзларни ошириб бориш тизими ҳам самара кўрсата бошлади. Ишбилармонлар ўз ихтиёри ва саъй-ҳаракати билан рейтингнинг юқори поғонасидан жой олишга интилмоқда, илғорлар сафида бўлишга ҳаракат қиляпти.

Савдо-саноат палатаси маълумотларига кўра, февралдан бугунга қадар юқори рейтингдаги тадбиркорлар 8 баробар кўпайди. Айни пайтда уларнинг умумий сони салкам 6 мингтани ташкил этмоқда. Уларга берилаётган имтиёзлар ҳам шунга яраша. Биргина “ААА” рейтингдаги 318 тадбиркорнинг мурожаати бўйича 323,4 миллиард сўмлик қўшилган қиймат солиғидан ортиқча маблағ бир кунда текширувларсиз қайтариб берилган. Ана шундай ташаббусларнинг амалий кўриниши аксарият ишбилармонлар фаолиятида яққол сезилмоқда.

— Ўтган йили давлатимиз раҳбари билан очиқ мулоқот чоғида қадоқловчи материалларни олиб киришдаги бож тўловларини камайтириш таклифини киритганмиз, — дейди “Almero group” МЧЖ раҳбари Умидбек Ҳакимов. — Корхонамизда 80 турдан ортиқ қандолат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ички бозордан ташқари 12 давлатга экспорт қилинади. Аввалроқ соҳа корхоналари ёрлиқ маҳсулотларини олиб киришда божхона божидан озод қилинган. Лекин бошқа давлатлардан олиб киришда 15 фоиз бож тўлашимизга тўғри келарди. Бу бизга бир қанча қийинчиликлар туғдиргани сабабли таклиф билдирдик ва у давлатимиз раҳбари томонидан инобатга олинди. Ўтган йил ноябрда эса Президентимизнинг тегишли фармони қабул қилиниб, 2024 йил 1 январдан то 31 декабрга қадар ана шу бож тўловидан озод қилиндик. Натижада жорий йил корхонамизга харид қилинган 1,5 миллион долларлик ёрлиқ учун бож тўлови билан боғлиқ имтиёз сабабли 3 миллиард сўм маблағни иқтисод қилишга эришдик. Ушбу маблағни янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хорижлик мутахассислар билан ҳамкорлик қилишга йўналтиряпмиз.

“Sultan Styles” унитар корхонасида ҳам шунга ўхшаш яхши хабарлар бор. Тўқимачилик корхонаси ўтган йилги очиқ мулоқотда давлатимиз раҳбарининг ип-калава маҳсулотлари экспортидаги йиғимни 5 баробар қисқартириш бўйича берган топшириқлари натижасида 300 минг доллардан ортиқ маблағни тежашга эришди.

— Экспорт йиғими қисқартирилиши ортидан тежаб қолинган маблағни корхонамиз фаолиятини янада кенгайтиришга йўналтиряпмиз, — дейди “Sultan Styles” УК раҳбари Отабек Эргашев. — Корхона 2018 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб фақат ип-калава ишлаб чиқарилган. Ҳозирга келиб эса 10 турдан ортиқ маҳсулот тайёрланиб, 40 дан зиёд давлатга экспорт қилиняпти. Ўтган йилги очиқ мулоқот анча самарали бўлди. Бу йилгисидан ҳам умидимиз катта. Барча соҳа қатори тўқимачилик йўналишидаги тадбиркорларга яна қўшимча имтиёзлар берилиши, янги ташаббуслар илгари сурилиши тарафдоримиз. Бу жараёнда барча ишбилармонларни ўз фикр ва ташаббусларини фаол билдиришга чорлайман.

Тадбиркорларда ишонч, дадиллик, ғайрат янада ортган. Улар сафи кенгайиб бораётгани эса ҳаммасидан ҳам қувонарли. Таҳлилларга кўра, бу йил билдирилган таклифларда индивидуалликдан кўра соҳадаги муаммоларнинг умумий жиҳатларига кўпроқ урғу берилмоқда. Ишбилармон доира вакилларида шахсий бизнесини ривожлантириш билан бирга, соҳа тараққиётига ҳисса қўшиш, юртимиз иқтисодий ривожланиши йўлида дахлдорлик ҳисси ортаётгани кўзга ташланади. Шу жиҳатдан очиқ мулоқот тадбиркорлар кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Кун мавзуси





**Олий таълимни катта бир бинога қиёсласак, кириш имтиҳонлари — унинг дарвозаси. Бу дарвозадан ўтиш ёки ўта олмаслик ҳар бир ёшнинг келажагини белгилаб беради. Шу туфайли бу масалага эътиборсиз қараш барчамиз учун қимматга тушиши мумкин.**

# КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ

## Абитуриентлар кайфиятидан кўп нарса маълум



**Жонибек АЛИЖОНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Кириш имтиҳонлари жараёни ҳозирги янги тизимга ўтилгунга қадар қандай кўргиликларни бошдан кечирмади дейсиз. Бундан 5-6 йил илгари ўқишга кириш ҳақида гапирилганда кўпчиликнинг хаёлига дастлаб “паровоз”, “бункер”, “шпаргалка” каби жаргонлар келарди. Ачинарлиси, уларнинг обрўси пасайиш ўрнига йилдан йилга кўтарилиб борар эди. Сабаби, тизимнинг заифлиги боис, уларнинг кўчасида ҳар йили байрам эди-да. “Бункерлар” мижозларига сал бўлса ҳам ўхшаш чеҳрали “паровоз” топиб, уни мижозининг ўрнига имтиҳонга киритиб юбориши ёки тест ўтказиладиган бинога 4-5 кун аввал телефон қурилмаларини яшириб кетиши — эҳҳе, уларнинг сон-саноқсиз фирибгарлик услублари ҳақида кўпчилигимиз эшитганмиз-ку. Бир қараганда, бундай қинғирликларнинг охири йўқ, уларга чек қўйиш имконсиз бўлиб кўринарди, лекин тартибга солса бўлар экан-ку.

Мана, бугунга келиб, юқорида санаганимиз жаргонлар истеъмолдан чиқди ҳисоб. Тестлар осонлаштирилди, тизим шаффофлашди, абитуриентларнинг билим билан ўқишга киришга ишончи анча ортди. “Бункер”лар-ку бутунлай йўқолди, дея олмаймиз, чунки кунда-кунора фалончи ўқишга киритиб қўйиш учун унча пул олибди, пистончи бунча пул олибди, деган хабарларга кўзимиз тушяпти. Буларнинг ҳаммаси ота-оналарнинг ҳамда билимсиз абитуриентларнинг янги тизимни англаб етмаётгани, аксарият ҳолларда бехабарлиги туфайли содир бўлаётир. Фирибгарларга эса айнан шундайлар “ёғли ўлжа” бўлади.

Бугун олий таълим муассасаларига имтиҳон топшириб, етарли балл тўплай олмаган абитуриент супер контракт асосида ўқишга қабул қилиниши мумкин. Яъни билимига ишонмаганларга ҳам давлат томонидан қонуний имконият берилган. Бироқ бу тизим ҳам ўзини тўлиқ оқлаяпти, деган хулосадан йироқмиз. Сабаби, тизимнинг барча соҳаларга татбиқ этилгани айрим тармоқларнинг ривожланишига эмас, аксинча, орқага кетишига олиб келаётгани бор гап. Масалан, журналист Ҳадичахон Каримованинг “Янги Ўзбекистон” газетасининг 2024 йил 17 июль сонида чоп этилган “Киссага фойда, бироқ жамиятга зарар” сарлавҳали мақоласида муаллиф бундай дейди: “Ўзим гувоҳи бўлган бир ҳолатни айтай: икки қадрдонимнинг набиралари тиббиёт институтига ҳужжат топширди. Бири соҳага қизиққани учун икки йил репетиторга қатнаган билимдон йигитлигидан хабарим бор. Мактабда ўртача ўқиган ўртоғи эса дўстига қизиқиб, ўзини синаш учун абитуриент бўлди, — дейди зиёли қадрдонимиз Рустам ҳожи ота. — Натижа нима бўлди деб ўйлайсиз? Биринчи йигит 189 балл тўплаб, грантга киришига бор-йўғи икки балл етмай қолибди. Контракт пули тўлаш имконияти бўлмагани учун ўқишдан воз кечди. Ота-онаси “Бир амаллаб тўлаймиз, ўқийверасиз”, деса, кўнмабди. “Сизларни қийнаб қўяман, ахир ўғил боламан, келаси йили яна худди шу институтга топшираман, албатта, бюджетда ўқиб, шифокор бўламан, мана кўрасизлар”, дебди ота-онасига. Бобоси “Набирам репетиторга қатнагандан кўра бирор ҳунармандга шогирд тушганида бу қадар тушкунликка тушмасди, ҳунарини қилаверарди-да”, дейди афсусланиб. Йигитнинг ўртоғи 61 балл тўплаган экан. Эшитишимча, ота-онаси катта миқдорда пул тўлаб, супер контрактга ўқишга киргизибди. Қонни кўрса чўчийдиган, синов учун ҳужжат топширган йигит ҳозир олийгоҳда ўқияпти. Менга бир ўй тинчлик бермаяпти: соҳага умуман қизиқмаган шу йигитдан келажакда қандай шифокор чиқади? Инсон саломатлигини унга ишониб топшириб бўладими? Баъзи соҳаларда ҳам нўноқ мутахассислар кўпайиб кетаётганини кўриб-кўрмасликка олсак, лоқайдлигимиз жамиятга қимматга тушмайдими?”.

Албатта, булар барчамизни чуқур ўйга толдирадиган фикрлар, ачинарлиси, санасак, бу каби ҳолатлар жуда кўп. Айниқса, тиббиёт, ҳуқуқ каби соҳалар борки, уларга супер контрактда ўқиб, тизимга кириб келаётган кадрлар соҳанинг зарарига ишласа ишлайдики, олға силжитмайди.

Аслида, қайси соҳа бўлмасин, ўқиб-ўрганиб талабалик бахтига муяссар бўлишга нима етсин?! Ахир ҳозирги кунда ўқиган абитуриент учун барча имкониятлар бор-ку. Имтиҳон жараёнларида адолат таъминланяпти-ку.

Айни кунларда 2024-2025 ўқув йили учун олий ва профессионал таълим муассасаларига ўқишга кириш тест синовлари давом этмоқда. Имтиҳонлар 14 июлдан 28 июлга қадар ўтказилиб, унда жами 805 минг абитуриент қатнашади.

Жорий йилги тартиб ҳам аввалги йиллардагидан катта фарқ қилмайди, фақатгина бу йил абитуриентлар йўналишни танлаган ҳолда имтиҳонга кирмоқда, олий таълим муассасасини эса тўплаган балига қараб танлайди. Хўш, жараён-чи? Бу йил ҳам шаффофлик етарлича таъминланяптими? Саволлар ҳаддан ташқари мураккаб тузилмаганми? Бу саволларимизга бевосита абитуриентларнинг ўзидан жавоб олиш мақсадида пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да ташкил этилган тест топшириш ҳудудида бўлдик.





Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

Бу ерда дастлаб кайфияти тундроқ, телефонда гаплашиб турган йигитча эътиборимизни ўзига тортди. Гаплашиб бўлгач, ёнига бориб ҳол-аҳвол сўрадим, нимадир бўлдими, деб қизиқдим. Ўзини Алибек, дея таништирган бу абитуриент Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидан келибди. Айтишича, у имтиҳон вақти ҳақида бир кун аввал кечқурун СМС орқали хабар топган ва йўлга чиққан. Натижада у имтиҳон топшириладиган ҳудудга имтиҳон бошланишидан 5-10 дақиқа аввал етиб келган ҳамда назоратчилар томонидан имтиҳонга киритилмаган. Чунки абитуриент рухсатномасида имтиҳон бошланишидан бир ярим соат аввал ҳудудга етиб келиш белгиланган. Унга Бухорода яшасангиз, нега имтиҳон топшириладиган ҳудуд сифатида Тошкент шаҳрини белгиладингиз, ҳозир вилоятларда яшовчи абитуриентлар учун ўз вилоятида имтиҳон топшириш имконияти яратилган-ку, деган саволимизга бунга эътибор бермаганини айтди. ОАВ орқали қайта-қайта огоҳлантирилганига қарамай, абитуриент рухсатномасини ҳам шу пайтгача юклаб олмаган.

Ҳа, майли, бу ҳали анча ёш, дейлик, лекин унинг ота-онаси-чи? Улар фарзанди ўқишга топширганини эшитиб, имтиҳон жараёни билан қизиқиши, бу ҳақда сўраб-суриштириб туриши керак эмасмиди? Оддийгина бефарқлик Алибекнинг бир йили зое кетишига сабаб бўляпти, лекин ундаги илм-маърифатга бўлган қизиқиш кейинги йилгача сақланиб туришига ким кафолат бера олади? Ўсмирлик давридаги ёш йигитча бир йил ичида бутунлай бошқа ишлар билан банд бўлиб кетса-чи? Хуллас, ўзимизнинг ҳамда ота-оналаримизнинг бефарқлиги йўлимизни бутунлай ўзгартириб юбориши ҳеч гап эмас.

Тест топшириш ҳудудидан чиқиб келаётган абитуриентлар кайфиятидан ҳам тест жараёнлари ҳақида кўп нарса билиб олиш мумкин. Комила бу йил биринчи марта ўқишга топшириши экан.

— Рости, баъзи саволлар тушунарсиз тузилганидан руҳиятим анча тушиб кетди. Айниқса, математикага оид саволлар орасида ғалатилари кўп, — дейди у. — Худди айрим саволлар жуда шошилинч тузилганга ўхшайди. Ҳар қанча яхши тайёрланган бўлишимга қарамай, иккиланиб қолдим. Ўқув курсида намуна тарзида ишлаган тестларимизга қараганда мураккаброқ кўринди. Шу туфайли тест натижаларим ҳақида олдиндан нимадир дея олмайман.

Суҳбатлар жараёнида абитуриентларнинг аксарияти ўқишга ҳеч бир тайёргарликсиз, таваккал топширгани ойдинлашди.

— Ёш болаларим борлиги туфайли тайёрлана олмай, шунчаки омадимни синаш учун топшириб кўргандим, — дейди Мавлуда Шодиева. — Билимингиз бўлмаса қийин экан-да, саволларни ўқиганим билан тушунмадим. Шунинг учун 25 дақиқада жавобларни белгилаб чиқдим. Начора, буёғига пешонада борини кўрамиз. Лекин шароитлар менга роса ёқди. Билими бор одам учун хотиржам тест ечадиган муҳит яратилган.

Ҳудуддан чиқаверишда абитуриентларнинг ота-оналари ҳам ҳаяжон билан фарзандларини кутмоқда. Ҳанифа опанинг қизи бу йил учинчи йил ўқишга топшириши экан.

— Фарзандим 2 йилдан буён тўлов-контракт асосида филология йўналишига ўқишга киради. Бироқ дадаси билан менга грантга киришга ваъда бергани учун 2 йил ҳам контракт асосида ўқимади, — дейди Ҳанифа опа. — Нима бўлса ҳам бу йил қизим грантга кирсин. Шунинг учун дуодаман.

Хуллас, имтиҳон жараёнлари жуда қизғин — турли даражадаги билимга эга абитуриентлар, турфа тақдирлар, ички ҳаяжон ва кўзларда порлаб турган ишонч. Биз эса фақат билими бор абитуриентларга талабалик бахти насиб этишини истаймиз. Имтиҳон жараёнлари адолат ва тартиб асосида ўтказилаётгани эса кишини хурсанд қилади. Зотан, имтиҳон жараёнларидаги шаффофлик талабаларни ўқиш жараёнларида ҳам адолат талаб қилишга, билимни қадрлашга ўргатади. Бундай муҳитда ўқиб, дипломга эга бўлган кадрлар эса жамиятимиз тараққиёти учун “олтин фонд”нинг ўзгинаси. Ўйлаймизки, соҳани янада такомиллаштириш борасидаги ислоҳотлар давом этаверади, супер контракт каби салбий жиҳатлари тобора ойдинлашиб бораётган тартибдан воз кечилиб, унинг ўрнига билим-маърифатни асосий ўринга қўювчи тизим яратилади. Зеро, олдимизга юксак маърифатга эга авлодни вояга етказиш мақсадини қўйган эканмиз, барча ҳаракатларимиз асосида маърифат бош устун бўлмоғи лозим.

# ИЛМ-МАЪРИФАТ ТИЗГИНИН ТУТИБ

## КАТТА МАҚСАДЛАР ТОМОН ШАХДАМ ҚАДАМЛАР БИЛАН

Таълим сифати



**Нозлия НОРМУРОДОВА,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор**

**Маълумотларга кўра, дунёда давлатлар мавқеини белгилаб берадиган 100 дан ортиқ халқаро рейтинг ва индекс бор. Мамлакатнинг ривожланиш жараёнини ўзида намоён этадиган бундай баҳолаш мезонлари давлат бошқаруви сифати, аҳолининг турмуш даражаси, тадбиркорлик фаолияти ва хорижий инвесторлар учун қулай муҳит, таълим сифати каби муҳим жиҳатларнинг кўзгуси ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим тараққиётини таъминлаш учун кенг кўламли ислоҳотлар қилаётган ва ривожланиш палласида бўлган давлатлар ҳамда уларнинг олий таълим муассасалари халқаро рейтингларда муносиб ўринларни эгаллашга интилиши табиий.**

Олий таълим муассасалари учун йил воқеаси саналган THE (Times Higher Education) халқаро рейтинги натижалари эълон қилинди. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети мазкур рейтингда 2022 йилдан буён иштирок этиб келмоқда. Ташкил топганига эндигина 8 йил бўлган университет учун бу муҳим рейтингга кириш ва унда муносиб иштирок этиш ғоят мураккаб вазифа эди. Университет сифатли таълим бериш ва ўз йўналишида долзарб илмий тадқиқотлар олиб бориш билан бир қаторда глобал муаммоларга ечим топиш, жамият ҳаётига ижобий таъсир этиш йўлида ҳам тизимли фаолият юритмоқда.

### Муҳим омил

Халқимизнинг “Кенгашганга кенг дунё” деган ҳикматли ибораси бор. Барча соҳалардаги ишларни замонавий тамойилларга таянган ҳолда, кенгаш асосида амалга ошириш муҳим ўрин тутади. Университет жамоасининг ўзаро кенгашиб, маслаҳатлашиб иш тутиши, таълим жараёнида ёшларнинг қизиқиш ва интилишларини ҳар жабҳада инобатга олиши халқаро майдонларда юқори натижаларга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Мана шундай ёндашувлар натижаси ўлароқ, 2022 йилда илк иштирокига қарамай, THE Impact рейтингида Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети 800+ натижани қайд этди. 2023 йилда эса дунёнинг ТОП 600+ университетлари қаторидан жой олди. Бу йил учинчи марта мазкур халқаро рейтингда иштирок этган университет 300+ ўринни эгаллади.

Олий таълим тизимида устувор йўналишларини белгилаб, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шунинг учун ўқув юртлари нуфузини турли рейтинглар асосида баҳолаб боришда таълим сифатидан тортиб, етишиб чиққан кадрларнинг иш билан таъминланганлик даражасигача — барчаси эътиборга олинади.



### 10 та университетдан бири

Бугун олий таълим олиш ниятида бўлган қизларга енгилликлар яратиш алоҳида эътиборда турибди. Бу ишлар самараси туфайли олийгоҳларда ўқиётган хотин-қизлар сони бир неча баробар кўпайди. Олий таълим олаётган талабалар орасида қизларнинг улуши 50 фоизга етгани тарихимизда мисли кўрилмаган натижа бўлди. Шундай натижага эришишда уларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни ҳар бир олий таълим муассасаси мисолида кўришимиз мумкин.

Гендер тенгликни таъминлаш бўйича Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети жаҳоннинг энг яхши 10 та университетидан бири бўлди. Албатта, бундай натижага эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Университет томонидан гендер нотенгликка барҳам бериш бўйича махсус платформа ишга туширилиб, долзарб мавзуларда подкастлар, очиқ мулоқотлар ташкил этилди.

Халқаро рейтинглардан ўрин олишнинг афзал жиҳатларидан бири шуки, глобал дунёда ҳамкорлик ўрнатиш истагида бўлган давлатлар ва ташкилотлар, албатта, умумэътироф этилган рейтингларга эътибор қаратади.

### Кадрлар тайёрлаш сифат жиҳатидан юксалади

Халқаро рейтинг агентликлари томонидан шакллантириладиган етакчи университетлар рўйхати ҳар бир рейтинг агентлигининг услубиёти асосида олий ўқув даргоҳининг академик, илмий, техник ва молиявий салоҳиятининг айрим жиҳатларини ёритиб беради. Уларнинг энг хусусиятли жиҳатларидан бири ҳам салоҳият элементларининг умумий рейтинг кўрсаткичларидаги вазни ҳар хил эканида. Бир томондан, халқаро рейтингга кирган олий ўқув юрти сифатида ҳамкорлик ўрнатиш истагидаги давлатлар қизиқишига сабаб бўлса, бошқа томондан, кадрлар тайёрлашнинг сифат жиҳатидан юксалиши таъминланиб, соҳада рақобат муҳити шаклланиб бораверади.

Яна бир устун томони, дунё миқёсида олий таълим муассасалари рейтинги ва жаҳон миқёсидаги рейтинг агентликлари рўйхатига кирган университетлар деярли барча мамлакатларда эътиборга тушмоқда. Олий таълим муассасалари ўз мақомини глобал даражага олиб чиқиш учун астойдил ҳаракат қилаётганининг сабаби ҳам шунда. Асосий мақсадларидан бири нафақат талабаларнинг, балки бутун жамиятнинг эътиборини долзарб глобал муаммоларга қаратиш, уларни бундан хабардор қилиш, мумкин қадар стратегик ечимлар таклиф этиб, ўз лойиҳасига ва ғояларига эга ёшларни қўллаб-қувватлаш бўлган университетимизнинг ютуқлари бизга катта куч, ишонч беради.

Тор илм соҳасига ихтисослашган университетлар учун халқаро рейтингларда иштироки ва ижобий натижа қайд этиши жуда мураккаб. Айнан шунинг учун ҳам биз халқаро рейтингларда натижаларга эришиш борасида маррани катта олишдан қўрқардик. Аммо Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети бу мураккаб вазифани уддалади. Икки йиллик натижаларга кўра, миллий олий таълим муассасалари орасида (THE рейтинги бўйича) олийгоҳ етакчиликни қўлдан бой бермай келмоқда. Бунинг ҳаммаси университет тўғри стратегия асосида ҳаракат қилаётгани, ўқитиш тизими, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича аниқ фаолият юритаётганидан далолатдир.

### Якдил ҳаракат самараси

Рейтингларда юқори ўринга эга бўлиш учун дунё университетлари ўртасида соғлом рақобат мавжуд. Чунки дунё ёшлари айнан халқаро жамоатчиликда ижобий имижга эга муассасада таълим олишни истайди. Бундай университетларга талабнинг ошиши уларнинг молиявий барқарор ривожланишига замин яратади. Мазкур нуфузли агентликлар рейтингида биринчи мингталикка кирган ОТМларнинг дипломи бутун дунёда тан олинади. Англаш мумкинки, имконият ва имтиёзлар доираси кенг. Шунга яраша алоҳида меҳнат, интилиш талаб қилади. Албатта, катта натижа университет педагоглари, таълим сифати ва соғлом муҳит учун жавобгар маъмурият вакиллари, техник ходимлар, иштиёқи баланд талабаларнинг якдил ҳаракати самарасига боғлиқ. Мен бу йўлда жамоамизга янгидан янги зафарлар ёр бўлишига ишонаман.

Бугун тараққиёт, цивилизация ҳақида кўп гапирамиз. Мана шундай воқеликлар илм-маърифат тизгинини маҳкам тутиб, аниқ мақсадлар сари якдил одимлашдан бошланади. Ватан фарзанди, қолаверса, таълим соҳасида фаолият юритаётган инсон сифатида мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги таълим сифати билан боғлиқ ва бошқа рейтинг ва индексларда доим сарбаланд ўринларда кўришни истаймиз. Бу орзу-ниятлар ўз ўрнида тизимли ишлаш, соҳадаги ислоҳотлар, яратилган имкониятлардан ўринли фойдаланган ҳолда туб ўзгаришлар самарадорлигига эришишни тақозо этади. Биз, педагоглар мана шу йўлда дадил ҳаракат қилиб, дунё рейтингларида олий ўқув юртлари юқори ўринларни эгаллаши учун қўлдан келганча ҳаракат қиламиз.

**Ишсиз қатламнинг кўпчилик қисмини аёллар ташкил қилаётгани хавотирли. Ишсизликнинг асосий сабаби эса илмсизлик. Бугун чекка ҳудудларда туриб ҳам салоҳиятини тўғри йўналтириб, меҳнатдан қочмай, нафақат она юртида, балки дунёнинг турли нуқталарида ўз сўзи ва кучини кўрсатаётган ёшлар кам эмас.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Мулоҳаза

# ИҚТИСОДИЙ ЕТУКЛИКДАН маънавий баркамоллик сари

## Ёхуд етти йилда қишлоқ аёлининг ҳаёт тарзи қай даражада ўзгарди?



Сардор ТОЛЛИБОЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



**Қадимдан халқнинг кўрки, миллатнинг юзи бўлган анъана ва қадриятлар сония сайин кенг тарқалаётган енгилтаклик, оммавий маданиятсизлик, фикрсизлик оқибатида таназзул ёқасига келиб қолаёзди. Бу жараён инсониятнинг бугунгача бўлган тадрижий босқичига таъсир ўтказмай қолмаяпти.**

Шундай шароитда ҳамжамият олдида турган энг муҳим вазифа соғлом жамият асоси бўлган ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашдир. Бунинг учун эса соғлом тафаккурга имкон берадиган муҳитни шакллантириш керак. Жадид бобомиз Абдурауф Фитрат айтганидек, “Оналар бутун башариятнинг тарбиячиларидир”.

Шу ўринда **Президентимизнинг 2017 йил апрелда Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида айтган бир гапини эсладим.** Давлатимиз раҳбари замонавий чангюткичлар ишлаб чиқарадиган “Coven Elektro” масъулияти чекланган жамиятида бўлганида **оилалар маиший техника билан таъминлангани аёллар турмуш даражаси асосий кўрсаткичларидан бири эканини таъкидлаган эди.**

Орадан етти йил ўтди. Мана шу вақтда қишлоқ аёли ҳаётида қандай ўзгаришлар рўй берди? Мақоламизда уларнинг бугунги ҳаёти, турмуш тарзи, қарашлари, ўй-хаёлларида кечаётган жараёнларни ёритишга ҳаракат қилдик.

* * *

Юртимизда чекка ҳудудлар, хусусан, қишлоқларда яшаётган аёллар кўпчиликни ташкил этади. Қишлоқ аёли деса, елкасига кетмонини қўйиб, пахта даласи томон кетиб бораётган, бир этак боласини эрта тонгдан то шомгача эргаштириб юрган, узоқдаги сой ёки булоқдан идишда сув ташиб, йил-ўн икки ой ўчоққа ўт ёқиб, сув иситиб, кир ювган ёхуд қаҳратонда ёзи билан йиққан ўтинини печга солаётиб, қоракуяга ботган аёллар кўз олдимизда жонланарди.

Хўш, бугун аёл қадрини, жамиятдаги мавқеини ошириш учун қилинаётган ислоҳотлар ортидан уларнинг турмуш тарзида, фикратида қандай ўзгаришлар бўлмоқда?

**Бундан етти йил аввал аксарият чекка ҳудудларда яшаётган инсонлар, хусусан, аёллар боласини боғчага беришни тасаввур ҳам қилолмасди.** Яқинда қишлоққа бордим. Қишлоғимиз энг чекка ҳудудлардан бўлмиш Нурота тоғ этагида жойлашган. Аҳолиси, асосан, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Туман билан қишлоқ орасида “Damas” қатнови йўлга қўйилган.

Машинада кета туриб, йўловчилар орасида гурунг қизийди: кимдир бозордаги нарх-наво ҳақида гапирса, яна кимдир шаҳарда ўқишга кирган ёшлар ҳақида сўзлайди. Бизнинг қишлоқдан пастроқда жойлашган қурисойлик икки аёл ҳамқишлоғи хусусий боғча очгани ҳақида суҳбатга киришади.

— Икки неварамни Раънонинг хусусий боғчасига бердим. Инглиз тилини ўргатар экан. Нархи ҳам арзон, — дея гап бошлади бири.

Шериги гап қўшади:

— Юқори қишлоқдаги Насим бобонинг болалари ҳам боғча очибди...

Уларни бекатда тушириб, қишлоқнинг илонизи йўлидан юқорига кўтарилиб борар эканмиз, хаёлимда ҳали мактаб ёшига етмаган болаларнинг инглиз тили ўргана бошлагани, ўша боғчага қишлоқнинг бир неча аёли ишга жойлашиб, рўзғор тебратаётганини ўйлаб қувондим. Уч-тўрт йилда қишлоғимизда учта боғча очилибди.

Хўп, боғчалар очилибди, нима ўзгарди? Инсоннинг энг катта ютуғи фарзандлари камолини кўриш. Бугун эрта билан фарзандини қўй-қўзининг ортидан ёхуд бошқа бирон юмуш билан эмас, балки унинг устига тоза кийимлар кийдириб, боғчага олиб бораётган онанинг ўй-хаёлидан нима ҳам ўтарди, дейсиз… Унинг фарзандидан кўнгли тўқ. Ўзи орзу қилган, аммо ўз вақтида олмаган билим, қаратилмаган эътибор ортидан саробга айланган ўқиш, яхши жойларда ишлаш ниятларини шу фарзанди тақдирида кўраётгани ҳам қувонарли. Яна бир жиҳат шуки, бугун фарзанди тартибли тарбия олмоқда. Кичиклигидан тенгқур ва устозларидан муайян кўникмаларни ўрганиб, замонавий дунё билан танишяпти. **Аксарият ҳолларда қишлоқ болалари деганда, одамови, шаҳарлашган жойларга борса, ўзини бир четга тортадиган ўғил-қизлар кўз олдимизга келарди. Бугун бу қарашлар эскирди. Шаҳар билан қишлоқ болалари орасидаги тафовут деярли йўқолди. Улар ҳам кичиклигидан жамиятнинг фаол аъзосига айланмоқда.**



Аслида, етишиб келаётган ёш авлоднинг катталар қатори ҳамфикр бўлишига кўмаклашиш бугун ҳар бир фуқаронинг бурчи ва масъулиятидир. Замонавий дунё қиёфасини яратишга ёшу қари бирдек ҳисса қўшаётир.

Бугун дунёда кечаётган жараёнларни ҳис қилган одам ўзини ва атрофидагиларни ушбу олам вакилига айлантиришга ҳаракат қилиши ва кўмаклашиши керак. Давлатимиз ислоҳотларининг бош мақсади ҳам, аслида, шу.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 3 миллионга яқин 3-7 ёшли бола бор. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида жорий йил якунига қадар мактабгача таълим билан қамров даражасини 76 фоизга етказиш назарда тутилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар замирида чуқур билимга, ўз дунёқараши ва мустақил фикрига эга ёшларни тарбиялаш, уларга ўз вақтида йўл-йўриқ кўрсатиш мақсади мужассам.

* * *

Бугун қишлоққа саноат кириб борди. Тўғри, айни дамда бу жараён тўлиқ ниҳоясига етди, деб айта олмаймиз, бироқ чекка ҳудудларнинг янгича қиёфаси шаклланаётгани, кичик саноат ҳудудлари ва тадбиркорлик манзиллари очилиши ортидан аксарият аёллар иш билан таъминланаётганини ҳеч ким инкор этолмайди. Ҳолбуки, анча йиллар олдин яшаётган ҳудудида муносиб иш тополмай, ҳатто қишлоқ аёллари ҳам чет элга ишлагани кетарди.

Президентимизнинг 2024 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида аёл-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан уч йиллик имтиёзли давр билан етти йил муддатга йиллик 14 фоиз ставкада жами 100 миллион АҚШ доллари эквивалентида кредит ресурслари ажратиш назарда тутилган. Бу ҳам аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Сўнгги беш йилда Ўзбекистонда ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар сони 205 мингдан ошган. Биргина 2023 йилнинг ўзида 279 мингдан зиёд тадбиркорлик лойиҳасига 13 триллион сўмдан ортиқ кредит ажратилган. Қарийб 57 минг хотин-қизга салкам 300 миллиард сўм субсидия берилган. Шунингдек, 200 мингга яқин аёл-қиз касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилган. Энг асосийси, 400 мингдан ортиқ опа-сингилимиз иш билан таъминланган.

Бундай рақамларни узоқ давом эттириш мумкин. Аммо мақсад рақам билан ишлаш эмас, балки мана шу рақамларнинг амалиётдаги ифодаси қандай бўлаётгани ҳақида тасаввур ҳосил қилишдир. **Ҳозир чекка ҳудудлардаги аёлларнинг ҳам тафаккур тарзи янгиланиб бормоқда. Энг муҳими, уларда кўнгил хотиржамлиги бор. Болаларининг соғлом муҳитда, барча шароитларга эга боғчаларда тарбияланаётгани оналарнинг келажакка ишончини мустаҳкамлаяпти. Шу билан бирга, фарзанди таълим-тарбиясига ажратиши керак бўлган вақтини касб-ҳунар ўрганиш, билим олиш, тадбиркорлик кўникмаларини ўзлаштиришга бағишлаётир. Энди аёллар ҳам муносиб турмуш тарзи яратишга ҳиссасини қўшади.**



Бугун аксарият хонадонлардаги музлаткич, кир ювиш машинаси, кондиционер каби маиший техникалар инсон қўл меҳнатини камайтириш баробарида аёлларнинг замонавий қулайликлардан фойдаланиб, рисоладагидек яшашига хизмат қилади. Қишлоғимизга мазкур техникалар кириб боришидан олдин аксарият кундалик маҳсулотларни сақлаб туришнинг имкони бўлмасди. Энг оптимал ечим тез айнийдиган егуликни саратонда қудуққа солиб сақлаш эди. Кеч кузда йиғиб олинган сабзавотларни эрта баҳоргача сақлаш учун ўра ковланиб, шунга кўмилар, эҳтиёж туғилганда қазиб олинарди. Айниқса, қаҳратон қишда ер тирнаб, ўра оғзини очиш машаққатини тасаввур қилаверинг.

* * *

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Маиший-иқтисодий эҳтиёжларнинг таъминланиши аёлларда маънавий юксаклик, келажакка дахлдорлик ҳиссини уйғотаётгани бор гап. Бу каби шароит ва янгиланишлар оналар зиммасига улкан масъулият юклаётир. Яъни бугунги аёллар чин маънодаги давр жангчиларидир. Улар фарзандларига тўғри таълим-тарбия берса, юрт кори, миллат манфаатига ярайдиган авлод етишиб чиқади. Бу замонда кетмон кўтариб ёки урчуқ йигириш билан эмас, балки соғлом тафаккур, кучли билим билан яшаб қолиш мумкин. Шундай экан, уларнинг турмуш тарзи билан бирга тафаккури ҳам янгиланиши керак.

*“Маълумки, одам биринчи тарбияни онасининг бағрида олади. Шу нарса муқаррарки, биринчи тарбия (оила тарбияси) тарбиянинг энг муҳими ҳисобланади. Унинг таъсири одам табиатига мустаҳкам ўрнашади. Шахс руҳияти, ахлоқ жавҳари ва одатлари болалигиданоқ шаклланади. Энди ўзингиз бир ўйланг, биз бошланғич тарбияни шу оналаримиздан олар эканмиз, нега биз ҳам шу аҳволга тушмас эканмиз? Бугун кўрқоқлик ва бепарволик табиатимизни ўраб, сустлик ва танбаллик қонимизга сингиб, ақлимиз кўзини қора парда ёпиб ташлаган. Кўриб ва тушуниб туриб, бу тубанликка бўйин эгар эканмиз, ҳуқуқимизни муҳофаза қила олмаймиз ва саодат тарафига қадам босолмаймиз. Бугун ақлнинг ҳаракатимиз ва амалимизга ҳеч қандай таъсири қолмаган. Ҳозир виждон ва ахлоқ ҳақидаги фикрлар батамом эсимиздан чиқиб кетган, мазлумликнинг энг паст жарига тушиб, золимликнинг энг олий даражасига чиққанмиз. Ким биздан заифроқ бўлса, унга ўйламасдан озор берамиз. Биздан кучли бўлган кишининг эса отининг туёғи нақшига сажда қиламиз. Шак-шубҳасиз, булар шундай оналар тарбияларининг натижасидир”.* Абдурауф Фитратнинг ушбу аччиқ фикрлари бугун ҳар бир инсонни ўйга толдириши, мулоҳазага чорлаши лозим.



Бугунги сиёсатнинг мақсадларидан бири аёллар турмуш тарзини ўзгартириш, илм олишига зарур шарт-шароит яратишдан иборат. Хотин-қизларнинг магистратурада бепул таълим олиши кафолатлангани ҳам ушбу ислоҳотларнинг бир қисмидир. Бир неча йил олдин чекка ҳудудлардаги аксарият аёлларнинг билим олишга имкони бўлмаган. Улар таълим олишни, хорижда ўқишни фақат орзу қилган. Аксарияти эса “Ҳаёт шундай экан-да”, дея орзулари ортига беркиниб яшади.

Ишсиз қатламнинг кўпчилик қисмини аёллар ташкил қилаётгани хавотирли. Ишсизликнинг асосий сабаби эса илмсизлик. Бугун чекка ҳудудларда туриб ҳам салоҳиятини тўғри йўналтириб, меҳнатдан қочмай, нафақат она юртида, балки дунёнинг турли нуқталарида ўз сўзи ва кучини кўрсатаётган ёшлар кам эмас. Ишонаверинг, уларнинг аксариятини чекка ҳудудларда яшаётган оналар тарбиялаган.

Биргина мисол. Яқинда Президентимизнинг ёшлар билан учрашувида иштирок этган “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиати Сабина Набиеванинг фикрларига эътибор беринг:

“Ҳозир АҚШнинг Аризона университетида ахборот технологиялари ва киберхавфсизлик йўналишида таҳсил оляпман. Фарғона вилояти Бешариқ туманида оддий ҳайдовчи оиласида туғилиб ўсдим. IELTS сертификати олиш учун имтиҳон топширмоқчи бўлганимда рўзғордан орттириб, 200 доллар топиш ота-онам учун бир оз қийинчилик туғдирган. Бахтимга ўша йили халқаро имтиҳонларда юқори натижа олган талабаларга имтиҳон пули тўлиқ қоплаб бериладиган бўлди. Мен бундан куч олиб, 16 ёшимда 7,5 баллни қўлга киритдим. Ўшанда 200 доллар оиламиз бюджетига қайтиб келгани бизни жуда хурсанд қилган эди. Оилавий шароит тақозоси билан мактабда ўқиб юрган давримдаёқ ишлашимга тўғри келган. IELTS сертификати олиб, инглиз тилидан дарс берардим. Укам иккаламизнинг Ахборот технологиялари паркидаги дарсларимизга пул тўлардим. Шундай қилиб, мактабни битириш арафасида нуфузли университетларнинг бир нечтасига қабул қилиндим. Шу орада “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиясини қўлга киритиб, киберхавфсизлик бўйича билимимни ошириш учун АҚШга йўл олдим. У ерда ўқиб юрганимда давлатимиз раҳбари Ғафур Ғулом қаламига мансуб “Сиз ахир осмонни олмоқ бўлсангиз, Мен нечун елкамни тутиб бермайин” деган мисраларни такрорлаганида, эшитиб йиғлаб юборганман. Чунки биз, стипендиатларга тўланаётган пулга мактаблар қурса бўларди. Лекин бу маблағ биз орзу қилган университетларда ҳеч кимдан кам бўлмай ўқишимиз йўлида сарфланмоқда. Буларнинг барчаси учун ўзим ва мен каби стипендиатлар номидан раҳмат айтаман”.

Бугун бу қиз энг ривожланган давлатлардан бирида миллат номини елкасига олиб ўқимоқда. Техника асрининг энг замонавий касбини ўрганмоқда. Бу ўша чекка ҳудудда ота-онаси берган таълим-тарбия самараси эмасми?

Ҳа, илм оламан, яхши яшайман, ватан манфаати йўлида хизмат қиламан, деган ёшлар учун барча имкониятлар яратилган. Фақат улардан ўз вақтида тўғри фойдаланиш керак. Даврнинг, тараққиётнинг асосий қуроли — илм, уни ўзлаштириш учун эса ҳеч қачон кеч эмас. Зеро, яратилаётган шароитлар ёшларимиз келажагига ишонч уйғотмоқда. Кўнгил тўқлик эса маънавий тараққиётга заминдир.

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2451
42368 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 23:45 Топширилди — 00:00